Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 267 (17.529).
22 НОЯБРЬ 1966 йил СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Болгария Коммунистик партияси IX съезди ишида иштирок этган КПСС Марказий Комитетининг бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси 20 ноябрда Софиядан Москвага қайтиб келди.

Внуково аэродромида делегацияни А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов ва бошқалар кутиб олдилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Олтинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг тўқизинчи сессияси 1966 йил 23 декабрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йилги давлат плани тўғрисида.

2. Ўзбекистон ССРнинг 1967 йилги давлат бюджети тўғрисида.

3. Ўзбекистон ССР Олий Советининг VIII сессиясида депутатлар киритган танқидий мулоҳазалар ва таклифларнинг бажарилиши тўғрисида.

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармоларини тасдиқлаш.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1966 йил, 21 ноябрь. Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V пленумининг қарори

«КПСС XXIII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ВА ТАШКИЛОТЧИЛИК ИШЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»

«КПСС XXIII съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотларининг сиёсий ва ташкилотчилик ишларини яхшилаш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленуми зўр қониқиш билан қайд қиладики, КПСС Марказий Комитети 1964 йилги Октябрь Пленумидан кейин ўтган вақт ичида партия ташкилотларининг ижодий, самарали иш олиб бориши учун қулай шароит вужудга келди. КПСС Марказий Комитетининг 1964 йилги октябрь Пленуми партия турмушининг ленинча нормалари ва раҳбарлик принципларини тиклашда, ривожлантиришда ва уларни амалда қўлланишда гоят муҳим роль ўйнади.

Ўзбекистон Компартиясининг область, шаҳар ва район комитетлари КПСС Марказий Комитети 1964 йилги октябрь ва шундан кейинги Пленумларининг, КПСС XXIII съезднинг қарорларини амалга ошира бориб, бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни яхшиладилар, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этишда бошланғич партия ташкилотларига кўпроқ таянадиган, партия ташкилотларининг фаолиятини чуқур ўрганадиган ва анализ қиладиган, уларга амалий жиҳатдан кўпроқ ёрдам берадиган бўлиб қолдилар.

Ҳозирги вактда Ўзбекистон Компартияси ўз сафларига 349 мингдан кўпроқ партия аъзолари ва кандидатларини бирлаштирган 10 мингдан кўпроқ бошланғич партия ташкилотларига эгадир. Кейинги йилларда партия ташкилотлари мустаҳкамланиб, сон жиҳатдан ўсди, уларнинг тармоғи анча кенгайди. Саноат корхоналаридаги ҳар бир партия ташкилотига ўрта ҳисобда 60 коммунист, совхозларда 118, колхозларда 82, қурилишлардаги ҳар бир партия ташкилотига 35 коммунист тўғри келади. Цехлар, бўлимлар, бригадаларда, фермаларда 13 мингдан кўпроқ партия ташкилотлари бор. Уларнинг кўпчилиги бошланғич партия ташкилоти ҳуқуқига эгадир. Ишлаб чиқариш участкаларида, сменаларда, бўлимларда беш мингга яқин партия группаси ишлаб турибди.

Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг состави сифат жиҳатидан йил сайин яхшиланяпти, бошланғич партия ташкилоти секретарларидан 91,8 процента олий, тўликсиз олий ва ўрта маълумотга эга бўлган кишилардир.

Партия ташкилотларининг жанговарлик кобилияти ва активлиги ўсганлиги республикага халқ хўжалиги топшириқларини муваффакият билан бажаришга ёрдам берди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари шу кунларда ўз зиммаларига олган ўксак социалистик мажбуриятни тўла бажариб, Ватанга 4 миллион тонна пахта етказиб бердилар, шу билан бирга 1 миллион 300 минг тоннадан кўпроқ пахта машиналаради териб олинди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўн ойлик плани 103 процент бажарилди. Капитал маблағларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўпайди. Маданий қурилишда янги муваффақиятларга эришилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шу билан бирга қайд қиладики, кўпгина бошланғич партия ташкилотлари ишининг савияси ва мазмуни КПСС Устави талабларига ва партия XXIII съезди қўйган вазифаларга мос бўлиб тушмаётир. Партия ташкилотлари партиявий ички демократияни кенгайтириш, коммунистларнинг активлигини юксалтириш ва коллективларга партиявий таъсирни кучайтириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланяптилар, деб ҳали айтиб бўлмайди.

Кўпгина партия ташкилотларининг фаолияти бир канча ҳолларда хўжалик раҳбарлари тезда ҳал этишлари керак бўлган кундалик ишлаб чиқариш масалаларини қараб чиқиш билан чекланиб қолмоқда. Айни бир вақтда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кишиларни тарбиялаш, уларга юксак даражада унумли меҳнат қилиш ва маданий дам олиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш истиқболларига доир масалалар бошланғич партия ташкилотларининг диққат-эътиборидан четда қолянти.

Корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг баъзи партия ташкилотлари камчиликларга муросасозлик қилмоқдалар, кадрларга нисбатан юксак талабчанлик кўрсатмаётирлар, маъмурият хўжалик фаолиятини контроль қилишда ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан етарли фойдаланмаётирлар.

Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари партия, ҳукумат қарорларини ва ўз қарорларининг ижросини ташкил этиш ва текширишни қониқарсиз амалга оширмоқдалар. Бу ҳол эса кўпинча бир хилдаги масалаларнинг қайта-қайта муҳокама қилинишига сабаб бўлмоқда.

Кўпгина партия ташкилотларида йиғилишларнинг роли пасайтириб юборилган, коммунистларнинг анча қисми йиғилишларни тайёрлаш ва қарорларни ишлаб чиқишда қатнашмайди, партия йиғилишларида неча йиллар мобайнида сўзга чиқмайди, танқид ва ўз-ўзини танқид кучайтириб юборилмаган, коммунистлар билан уларни тўлқинлантираётган масалалар юзасидан ўртоқларча ва ошкора фикр айирбошлаш муҳити вужудга келтирилмаётир. Партия йиғилишларида партия ички ҳаётига, коммунистлар Уставда белгилаб қўйилган вазифаларини қандай бажараётганликлари, улар марксча-ленинча назарияни қандай ўрганаётганликларига доир масалалар камдан-кам муҳокама қилинади.

Баъзи бошланғич партия ташкилотларида коммунист деган номнинг ҳаҳамиятини бутун чоралар билан юқори кўтариш, партия сафларини пок сақлаш тўғрисида КПСС XXIII съезди қўйган талаблар қониқарсиз бажарилмоқда. КПСС Программаси ва Уставини бузаётган партия аъзолари ва кандидатларига нисбатан либералларча, принципсиз муносабатда бўлиш ҳоллари рўй бермоқда.

Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари омма орасида сиёсий ишларни олиб боришда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари уларнинг кундалик фаолиятидаги асосий масала бўлиб қолди, деб айтиб бўлмайди, улар ички ликбезлик, безорилик, юлғичлик, мансабпарастлик, хушомадгўйлик, онлада нотўғри муносабатда бўлиш каби жамоатчиликка хилоф хатти-ҳаракатларга қарши қаттиқ кураш олиб бормаётирлар, ҳар бир онлага социалистик турмуш маданиятини жорий қилиш тўғрисида тегишли ғамхўрлик қилмаётирлар.

Бошланғич партия ташкилотлари касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ишига суст раҳбарлик қилмоқдалар, уларга амалий жиҳатдан етарли ёрдам бермаётирлар.

Бошланғич партия ташкилотларининг ишидаги камчиликларга кўпинча уларга область, шаҳар ва район партия комитетларининг раҳбарлик савияси пастлиги сабаб бўлмоқда. Область, шаҳар ва район партия комитетлари партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширишда тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиш ўрнига, бир қанча ҳолларда уларнинг ролини пасайтирмоқдалар, уларнинг имкониятлари, ҳуқуқлари ва таъсир кучига етарли баҳо бермаётирлар ҳамда КПСС Устави билан бошланғич партия ташкилотларининг ваколатига киритилган кўпгина масалаларни партия ташкилотларини четлаб ўтиб ҳал қилмоқдалар.

Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг, бюро ва комитет аъзолари, цех ташкилотлари секретарлари ва партия группалари ташкилотчиларининг ўқиши планли ва бир мақсадга қаратилган система киритилмаганлиги партия ташкилотларининг фаолиятларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бир қанча область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, бюро аъзолари корхоналарга, қурилишларга борганларида, колхозлар ва совхозларда бўлганларида қуйи партия активлари билан камдан-кам бирга бўладилар, бошланғич партия ташкилотларининг ишини шахсан ўрганмайдилар. Область, шаҳар ва район партия комитетларининг кўпгина аъзолари ўзлари ҳисобда турган бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятига актив равишда таъсир ўтказмаётирлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V Пленуми **қарор қилади:**

1. Область, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига бошланғич партия ташкилотларининг сиёсий ва ташкилотчилик ишларидаги мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, КПСС XXIII съезди талабларига амал қилиб, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча вазифаларини ҳал этишда уларнинг ролини ошириш юзасидан зарур чоралар кўриш топширилсин.

2. Пленум таъкидлайдики, шаҳар ва район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларининг иши учун алоҳида жавобгардирлар. Шаҳар ва район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларининг ишини кун сайин назорат қилиб ва йўллаб туришлари, уларга зарур ёрдам кўрсатишлари керак. Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, партия аппаратининг ходимлари ўз вақтларининг кўп қисмини бошланғич ташкилотларда бўлишга сарф этсинлар, уларга омма орасида олиб бориладиган ишларни такомиллаштиришга ёрдам берсинлар.

Шаҳар ва район партия комитетларининг секретарларидан бошланғич партия ташкилотларининг ишларини чуқур ўрганиш, бюро ва комитетларнинг секретарлари, аъзолари билан доимий суҳбатлашиб туриш, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозларда, муассасаларда, ўқув юртларида олиб бориладиган партиявий ишларни ўрганишда, меҳнаткашлар коллективларида коммунистларнинг сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятининг таъсирчанлигини ошириш чораларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш талаб қилинсин.

3. Пленум барча партия ташкилотларидан коммунистларнинг активлигини оширишга бутун чоралар билан ёрдам беришни, уларнинг фикр ва таклифларига эътибор ва ҳурмат билан қарашни, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдириш учун шарт-шароитлар яратишни талаб қилади, токи партия ташкилоти Устав талабларини бузаётган ҳар бир коммунистнинг хатосини ўз вақтида тузата оладиган бўлсин.

4. Область, шаҳар ва район партия комитетларидан, бошланғич партия ташкилотларидан партия аъзоси деган номни ва унинг аҳамиятини янада юқори даражага кўтариш, ҳар бир коммунистнинг ўз ташкилотидаги ишларнинг аҳволи учун масъулиятини ошириш талаб қилинсин. Шунга эришмоқ керакки, ҳар бир коммунист Коммунистик партия аъзоси деган юксак номни ўзининг бутун фаолияти, юриш-туриши, хатти-ҳаракатлари билан оқласин. Партия сафларининг поклиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия ташкилотларининг кундалик диққат марказида турмоғи керак. Партия ташкилотлари коммунистик қурилишда актив қатнашаётган илғор, онгли ишчилар, колхозчилар, интеллигенция намояндалари ҳисобига ўса бормоғи керак. Шу билан бирга партиянинг социал составида ишчилар бундан буён ҳам етакчи мавқени эгаллашлари кераклиги тўғрисида КПСС XXIII съезди берган кўрсатмаларга оғишмай амал қилмоқ керак. Шуни қатъий эсда тутиш керакки, КПССга номуносиб кишилар қабул қилинганлигини кўрсатувчи онда-сонда рўй берадиган ҳоллар ҳам партияга зарар келтиради, партия ташкилотларининг обрўйига путур етказади. Пленум КПСС Программаси ва Уставини бузаётган, ўз ҳулқ-атвори билан коммунист деган юксак номга ноғ келтираётган коммунистларга нисбатан либералларча муносабатда бўлишга қатъиян барҳам беришни талаб қилади.

Ёш коммунистларни тарбиялаш ва партиявий чиниқтириш соҳасидаги ишлар яхшиланмоғи керак, токи улар партия сафига кирган дастлабки кунлариданоқ марксча-ленинча назарияни эгаллай бошласинлар, бошланғич партия ташкилотининг ишида актив иштирок қиладиган бўлсинлар.

5. Партия йиғилишларини мунтазам ўтказиб туриш, бу йиғилишларда ишлаб чиқариш ва кишиларни тарбиялашнинг туб масалаларини муҳокама қилиш коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлигини кучайтириш, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширишнинг мутлақо зарур шартидир. Коммунистларнинг партия йиғилишларида актив қатнашувини таъминлаш, бу йиғилишларда корхона ёки хўжаликни ривожлантириш истиқболлари, қишлар билан олиб борилаётган ташкилий ва сиёсий ишларнинг аҳволи, кадрларни танлаш ва тарбиялаш, коммунистларнинг Уставда белгиланган вазифаларини, партиявий топшириқларни қандай бажараётганликлари, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш каби масалаларни тез-тез муҳокама қилиб туриш зарур.

Партия, ҳукумат директивалари ва партия ташкилотларининг ўзлари чиқарган қарорларнинг ижросини ташкил этиш ва унинг устидан контролни қатъиян ижрилмоқ, олдиндан белгиланаётган тадбирларни ўз вақтида бажариш учун коммунистларнинг шахсий жавобгарлигини оширмоқ керак.

6. КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги сентябрь Пленуми қарорларига амал қилиб, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа, илмий-тадқиқот институтлари ва лойиҳалаш ташкилотлари бошланғич партия ташкилотларининг асосий диққат-эътибори бош йиллик план топшириқларини муваффақият билан бажаришга, хўжалик ислоҳотини планли равишда амалга оширишга, социалистик ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини юксалтиришга қаратилсин. Маънавий ва моддий рағбатлантириш методларини тўғри жорий этишга, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш учун курашга алоҳида эътибор берилмоғи керак.

Корхоналарнинг партия ташкилотлари хўжалик фаолиятининг барча жиҳатларини кун сайин чуқур ўрганишлари, халқ хўжалик планларининг бажарилиши устидан таъсирли партиявий контроль олиб боришлари, ишлаб чиқаришнинг техника даражасини, унинг рентабеллигини оширишга бутун чоралар билан ёрдам бермоқлари лозим.

7. КПСС Марказий Комитети 1965 йилги март Пленуми ва партия XXIII съезднинг қишлоқда партиявий ишни тубдан яхшилашни талаб этган қарорлари колхоз ва совхозлар партия ташкилотларининг жанговар программаси бўлмоғи керак. Колхоз ва совхоз партия ташкилотларининг энг муҳим бурчи — кишилар тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиб туришдан, уларни экономикани ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, унинг нархини арзонлаштириш, пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг рентабеллигини ошириш вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилишдан иборат.

Шу муносабат билан дала ва ферма меҳнатчиларига партиявий таъсирни янада кучайтириш; ҳал қилувчи участкаларда коммунистларни жой-жойига қўйишни яхшилаш; бригадалар, фермалар, бўлимлар партия ташкилотларининг ишини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида коммунистларнинг етакчилик ролини ошириш гоят катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

8. Халқ хўжалик вазифаларининг ўз вақтида ҳал қилиниши, моддий-техника воситаларини тўғри тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш кенг меҳнаткашлар оммасининг хилма-хил эҳтиёжларини бажо келтириш кўп жиҳатдан муассасаларнинг пухта ишлашига боғлиқ эканлигини назарда тутиб, пленум совет муассасалари партия ташкилотларининг ролини оширишнинг мутлақо муҳимлигини таъкидлайди. Совет муассасалари партия ташкилотларининг асосий вазифаси партия ва ҳукумат директиваларининг ижросини, аппаратнинг пухта ишлашини, ходимларни ўксак давлат интизоми, топширилган иш учун масъулият, ўз хизмат вазифаларига ижодий муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан иборат бўлмоғи керак.

9. Мактаблар, олий ва ўрта ўқув юртлари бошланғич партия ташкилотларининг зиммасига ўқув жараёнини такомиллаштиришга активроқ таъсир ўтказиш, студентлар ва ўқувчиларни Ватанга, коммунизм ишига чексиз садоқат руҳида тарбиялаш, уларни коммунистик жамиятнинг эътиқодли қурувчилари қилиб тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

10. Бошланғич партия ташкилотлари зиммасига меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини яхшилаш, оммага ғоявий-сиёсий таъсир ўтказишнинг барча воситаларидан активроқ фойдаланиш, ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг маънавий эҳтиёжларини тўлароқ бажо келтириш, буржуа идеологияси кўринишларига, ўтмиш сарқитларига қарши курашни кучайтириш, коллективнинг барча аъзоларини совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш вазифалари юклатилсин. Ҳар бир коммунист партиясизлар орасида тушунтириш ишларини олиб бормоғи керак.

11. Область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига касаба союзлари, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш таклиф этилсин. Жамоат ташкилотларининг мустақиллиги ва ташаббускорлигини рағбатлантириш, уларга таяниш, уларнинг ўз ҳуқуқларидан тўлиқроқ фойдаланишлари учун бутун чоралар билан ёрдам кўрсатмоқ зарур.

12. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва область комитетларига бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг планли ва систематик ўқишини ташкил этиш масалаларини қараб чиқиш ва уларнинг малакасини ошириш юзасидан доимий ишловчи курслар очиш топширилсин.

* * *

Пленум область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари савиясини янада юқори погонага кўтарадилар. КПСС XXIII съезди қўйган вазифаларни муваффақият билан амалга ошириш таъмин этадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ ВА ХЎЖАЛИК ИСЛОҲОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V пленумининг қарори

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. Г. Анисимкининг «Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини янада кўпайтириш ва хўжалик ислоҳотини амалга ошириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари» масаласи юзасидан докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIII съезд қарорларини амалга ошира бориб, коммунистик қурилишнинг барча участкаларига партия ва давлат раҳбарлигининг форма ва методларини такомиллаштириш юзасидан белгиланган йўлдан комил ишонч билан бораётганлигини қайд қилади.

Республика партия ташкилоти партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети сентябрь (1965 йил) Пленуми қарорларини бажара бориб, меҳнаткашларни беш йилликнинг биринчи йили планларини муддатидан олдин бажариш, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш ва хўжалик юритишнинг янги системасига ўтишга тайёргарлик ишларига сафарбар этиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Республика саноатининг ҳодимлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича ва маҳсулотнинг кўпгина энг муҳим турлари бўйича ўн ойлик планни муддатидан беш кун илгари бажардилар. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш планлари ортиги билан адо этилди; корхоналар ишининг бошқа техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам анча яхши ланди. Кўпгина коллективлар янги шароитларда ишлашга фаол тайёргарлик кўрмоқдалар.

Шу билан бирга республикадаги кўпгина корхоналарда техника прогресси суръатини тезлаштириш, жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун фойдаланилмаётган катта резервлар ва реал имкониятлар мавжуд.

Кейинги йилларда республика саноатининг қатор тармоқларида ишлаб чиқариш фондларидан, капитал маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлиги пасайиб кетди ва фондлардан фойдаланиш бирмунча ёмонлашди. Кўпгина ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топшириш кечиктириб юборилмоқда. Қатор корхоналарда бундан бир неча йил муқаддам ишга туширилган қувватлар ҳалигача лойиҳадаги кўрсатгичларга эришгани йўқ.

Айрим корхоналарда янги техникани жорий этиш планлари бажарилмаяпти. Кўпгина ҳолларда тадбирлар етарли иқтисодий асосларга таянмасдан жорий қилинади. Бунинг оқибатида уларни жорий этишнинг самарадорлиги ўта паст, қўл меҳнатининг салмоғи айниқса конруда саноатида, химия ва қурилиш материаллари саноатида жуда секинлик билан камайтирилмоқда. Қатор тармоқларда ёрдамчи ишларни механизациялаш ёмон аҳволда.

Республиканинг баъзи завод ва фабрикаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, айниқса халқ истеъмоли моллларининг сифатини ошириш учун кураш сust олиб борилмоқда. Бу эса халқ хўжалигига катта зиён етказаётир.

Айрим корхоналарда хўжалик юритишнинг янги системасига ўтишга тайёргарлик сust олиб борилмоқда. Бу муҳим ишга меҳнаткашларнинг кенг оммаси етарли жалб қилинмаган.

Республикадаги айрим министрликлар ва идоралар ишининг стили ва методларида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Улар корхоналарга иқтисодий ишларни яхшилаш соҳасида фаол ёрдам бермаётирлар, коллективларнинг диққат-эътиборини ички резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишга етарли сафарбар этмаяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми **қарор қилади:**

1. Коллективларни саноат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ҳар томонлама оширишга, ишлаб чиқариш фондларидан энг яхши фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини оширишга сафарбар этиш область партия комитетлари, шаҳар ва район партия комитетлари, корхоналар илмий-текшириш, конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотлари, министрликлар ва идоралар бошланғич партия ташкилотларининг энг асосий вазифаларидан бири деб ҳисобласин. Пленум республика партия ва хўжалик органларига фондларнинг фойда келтириши камайиб кетишининг сабабларини ҳар бир корхона бўйича текшириб чиқиш, ишлаб чиқариш фондларининг фойда келтиришини ошириш имконини берадиган тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифасини юклайди.

2. Пленум республика партия, совет ва хўжалик органларидан партия томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсатнинг янги принципларини изчиллик билан амалга ошириш корхоналарнинг коллективларига хўжалик ислоҳотини амалга оширишда фаол ёрдам кўрсатишни талаб қилади. Корхоналарни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига кўчиришга яхши тайёргарлик кўриш мақсадида республика министрликлари ва идораларига Госплан билан биргаликда 1966 йилда раҳбар ходимларнинг тармоқлар бўйича семинарларини ўтказиш топширилсин.

3. Партия ва хўжалик органларига саноатнинг транспорт ва қурилишнинг барча тармоқларини техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш соҳасида партия ишлаб чиққан йўлни доимо ўтказиб бориш вазифаси юклансин. Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш изчиллик билан амалга оширилиши, қўл меҳнатининг салмоғи камайтирилиши, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш жорий этилиши керак.

4. Республика министрликлари ва идораларига илмий-текшириш ва лойиҳалаш институтлари билан биргаликда ҳар бир корхона бўйича ишнинг лойиҳадаги кўрсаткичларга эришилиши юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юклансин.

5. Республика министрликлари ва идораларига капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш топширилсин. Партия ва хўжалик органлари капитал маблағлар ва моддий ресурсларнинг кўпгина объектларга сочиб юборилиши, маҳаллийчилик ва маҳкамачилик кўринишлари каби фактларга қарши кескин кураш олиб боришлари керак.

6. Пленум партия ва хўжалик органларидан корхоналар коллективларининг эътиборини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини тубдан яхшилашга, уларнинг хизмат қилиш муддатларини узайтириш, машиналар ва бошқа буюмларнинг чидамлилигини оширишга жалб этишни талаб қилади. Республика корхоналарининг маҳсулотлари жаҳондаги энг яхши стандартлар даражасида бўлишига, совет кишиларининг ўксак талабларига жавоб беришига эришмоқ керак. Фабрика, завод маркаси шуҳрати учун кураш барча партия ташкилотларининг диққат-марказида бўлиши лозим.

7. Пленум партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларини ҳар соҳада чинакам социалистик тежамлилик, пул маблағларини, моддий ва меҳнат ресурсларини қатъиян иқтисод қилиш учун курашни кучайтиришга чақиради. Ишлаб чиқариш ҳажми ҳозир шунчалик каттаки, материаллар ёки иш вақтининг заррача қисмини исроф қилишнинг ўзи республика халқ хўжалигига катта зиён келтиради.

8. Республика министрликлари ва идораларининг раҳбарларига корхоналарга раҳбарлик стили ва методларини такомиллаштириш, масъулиятсизлик, сансалорлик, ишга бюрократларча муносабатда бўлиш ҳолларини бутунлай йўқотиш вазифаси юклансин. Давлат интизомини ҳар томонлама кўтариш ва мустаҳкамлаш, ишда намунали тартиб ва юксак маданият бўлишини таъминлаш, ҳар бир корхонани янгича ишлашга пухта тайёрлаш — министрликларнинг муҳим вазифаларидан биридир. Министрликлар ўз ишида саноатга раҳбарликнинг иқтисодий методларига, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида хўжалик ҳисобини кенг жорий этишга таянишлари лозим. Министрликлар раҳбар инженер-техник ходимларнинг иш малакасини оширишнинг доимий ишловчи мукаммал системасини вужудга келтиришлари зарур.

9. Пленум планлаштириш ишини яхшилашни талаб қилади. Республика планлаштириш органлари хўжалик қурилишига илмий раҳбарлик қилишнинг чинакам штаби бўлиб қолмоғи керак. Планлар мавжуд имкониятлар ва резервларни яхши билишга асосланиши, илмий-техника прогресси истиқболларини ҳисобга олиши, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ўзлаштириш ва жорий этишнинг тезкор суръатларини назарда тутиши керак.

10. Республика министрликлари ва идораларига моддий-техника таъминотини планлаштириш ва ташкил этиш бўйича ишларни яхшилаш вазифаси юклансин. Таъминот-мол тарқатиш ташкилотлари ишида параллелизмга кескин барҳам бериш, моддий ресурсларнинг сочиб юборилишига йўл қўймаслик, маблағларнинг оборотини тезлаштириш зарур.

11. Область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш вазифаси юклансин. Ҳар бир партия ташкилоти ишлаб чиқариш экономикасининг ичидан-ичигача билишлари, кадрларни иқтисодий билимлар билан қуроллантиришлари, ҳар бир меҳнаткашнинг меҳнати ва турмушини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишлари, ишларнинг коммунистик онглилигини ошириш ишларини яхшилашларига эришилсин.

12. Янги шароитларда ишлашда саноат корхоналари, транспорт ва қурилишдаги раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш энг муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир корхона раҳбари ишлаб чиқариш техникаси ва экономикасини яхши биладиган, юксак ташкилотчилик сифатларига эга бўлган, хўжаликни янги система даврида самарали юритишга қодир ходим бўлиши керак.

13. Пленум коммунистларни, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ва В. И. Ленининг туғилган кунига 100 йил тўлишини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш, мамлакатимиздаги барча халқларнинг ҳаётидаги ана шу энг ажойиб саналарни янги меҳнат ютуқлари билан нишонлашга чақиради.



ДАЛАЛАРИМИЗ ГВАРДИЯЧИЛАРИ

(ЎЗБЕКИСТОН ЕШ ПАХТАКОР-МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ СЛЁТИДАН)

Олтмиш икки минг тонна! Бир миллион уч юз йигирма минг тонна! Нақадар катта фарқ бор бу рақамларда. Ҳа, республикамиз механизаторлари 1958 йили «зангори кема»ларнинг бункерларидан 62 минг тонна пахта тўккан эдилар. Улар ярим миллион тоннани ҳавас қилиб, катта сафарга отланишганди. Механизаторларимиз бу довондан ҳам голибона қадам ташлаб ўтдилар. Бир миллион тонна пахта териш орзусида меҳнат қилган дала гвардиячилари пахтачилик тарихи кўрмаган ана шу рақамни ҳам ортда қолдирдилар. Мана бугун — шонли беш йилликнинг дастлабки босқичида суворийларимиз машиналарда бир миллион уч юз йигирма минг тонна «оқ олтин» териб хаммамизни хушнуд этдилар. Бу билан улар республика бўйича етиштирилган ялпи хосилнинг қарийб 33 процентини саранжом-саришталаб бердилар, бир миллиондан ортиқроқ кишининг қўл меҳнатини енгиллаштирдилар.

Куни кеча Тошкентдаги Санъат саройида бўлиб ўтган республика ёш механизаторларининг слётида ҳам бу алоҳида таъкидлаб ўтилди.

...Муҳташам Санъат саройи механизаторлар билан лиқ тўла. Тўрда улуғ мураббий В. И. Ленининг каттакон портрети бутун залга нур сочиб турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Н. М. Матчонов «1966 йилда пахтачиликда қилинган ишларнинг якунлари ва комплекс механизация асосида пахта етиштиришни янада кўпайтириш соҳасида республика комсомолининг вазифалари» ҳақида доклад қилди.

Докладчи Ўзбекистон меҳнаткашларининг жуда катта ютуқлари тўғрисида тўлқинланиб гапиради. Чиндан ҳам ўзбек халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Ўзбекистон партия ташкилотларининг бевосита раҳбарлиги, ғамхўрлиги туфайли пахтачиликда мисли кўрилмаган чўққига кўтарилди. Мамлакат «оқ олтин» хирмони 4 миллион 50 минг тонна ўзбек пахтаси билан бойиди. Шунча пахтанинг бир миллион уч юз йигирма минг тоннасини дала суворийлари — гвардиячиларимиз териб беришди.

Техника қишлоқ хўжалигида жуда катта ўрин эгалламоқда. Айниқса пахтачиликни механизациялаштиришга кенг йўл очиб берилди. Булар натижасида пахта етиштириш 4 миллион 50 минг тоннага етказилди ва бундан ҳам ошиб кетяпти.

Пахтачилигимизнинг атоқли намояндалари бор. Валентин Тюпко, марҳум Меликўзи Умрзоқов, Тоғай Абсаматов, Жавод Кўчиев комплекс механизация учун кураш байроғини Ўзбекистонда биринчи бўлиб кўтариб чиқдилар. Маннап Жалолов, Мамажон Дадажонов, Курбон Кенжаев, Искандар Юсупов, Тўра Раҳимов, Суяр Толмасов ва бошқа жуда кўп механизаторларимиз билан ҳаққоний фахрланамиз.

Машҳур механизатор Турсуной Охунованинг сафдошлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Эътибор Набиева, Обида Ҳамроева, Маҳбуба Насриддинова, Меҳри Эрматова каби хотин-қизларимиз машиналарни дадил бошқармоқдалар ва далаларда йигитлар билан ёнма-ён туриб жавлон урмоқдалар.

Ўртоқ Матчонов пахта теримини машиналаштиришга кенг йўл очиб берган илғор хўжаликлар, районлар ва областлар тўғрисида муфассал гапириб ўтди. Бундай илғорлар республикамизда кўп. Лоақал Сирдарё областидаги «Малик» совхозини олиб қарайлик.

Бу хўжалик ялпи пахта ҳосилининг ўндан тўққиз қисмидан кўпроғини агрегатларда йиғиштириб олди ва ҳосилдорликни гектар бошига қарийб 30 центнерга етказди. Ана шундай хўжаликлар республикамизнинг, ҳар бир областида кўпайиб бормоқда.

Докладчи кузги-қишки тадбирларнинг амалга оширилишида республика комсомолининг роли, келгуси йил пахтадан янада юқори ҳосил етиштириш учун нималар қилиш лозимлиги тўғрисида гапириб ўтди.

Нарпай районидаги Киров номли колхоз механизатори Ўртоқ С. Толмасов сўзга чиқиб, бундай деди:

— Техника — деҳқоннинг қайрилмас қаноти, кўмакдоши ва мададкори бўлиб қолди. Буни биз ҳар қадамда сезиб, ҳис қилиб турибмиз. Мен бу йилги мавсумда машинада 300 тоннадан ошиқроқ пахта тердим. Бу билан неча ўнлаб теримчиларнинг қўл меҳнатини енгиллаштирдим. Бизга ана шундай ажойиб машиналар яратиб берган олимларимизга конструкторларимизга, машинасозларимизга чин юракдан миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. Шу билан бирга, янги терим машиналари яратаётган ана шу қўли гул одамлар номзоди Ленин мукофотига тавсия этилса яхши бўлур эди деб ҳисоблайман.

Ўртоқ Толмасовнинг бу сўзлари зални тўлдириб ўтирган икки ярим минг ёш механизатор томонидан қарсаклар билан кутиб олинади.

— Мирзачўл — яшнаётган водий, пахта кони, — дейди Сирдарё область комсомол комитетининг биринчи секретари Ўртоқ М. Тогаев.— Буни чўлда амалга оширилаётган катта ишлар ҳажмидан ҳам билиб олиш мумкин. Қўриқ ерликлар бу йил она-Ватанга 450 минг тоннадан зиёдроқ «оқ олтин» армуғон этдилар. Шунча пахтанинг қарийб 60 проценти машиналарда териб олинди. Далаларда 6 минга «зангори кема» бетиним ишлаб турди. Уларни бошқаришда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов, Норжон Шукурова, Кувондик Абдураззоқов, Меҳри Эрматова ва бошқа неча ўнлаб азаматлар алоҳида ўрнак кўрсатдилар. М. Дадажонов машинада 420 тонна пахта терди ва 10 кишини механизаторликка ўргатди. Мирзачўлда етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини машиналарда териб олиш — бизнинг яқин келажакдаги орзу-умидимиздир.

Хоразмлик механизатор З. Раматов, Олтиариқ районидаги Энгельс номли колхознинг механик-ҳайдовчиси М. Фахриддинова, Денов районидаги Генерал Собир Раҳимов номли колхознинг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи Ҳ. Файзуллаева Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари С. Тоиров, «Ташсельмаш» заводининг слесари Қ. Хўжаев ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларида пахтакорга ажойиб машиналар яратиб берган олимлар, конструкторлар, машинасозлар ҳақида илиқ гапларни айтдилар. Улар мўл ҳосил етиштириш ва машиналарда териб олиш соҳасида қўлга киритган ютуқлари, келгуси йил ҳосилиги кандай замин яратаётганликларини слёт қатнашчиларига айтиб бердилар.

Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Козоғистон республикалари делегацияларининг раҳбарлари механизаторлар слёти қатнашчиларини ва улар орқали барча ёш механизаторларни қизғин табрикладилар.

Ўзбекистон ёш пахтакор-механизаторлар слётининг қатнашчилари деҳқонларга ажойиб машиналар яратиб берган, айниқса кейинги вақтларда серунум пахта териш агрегатлари бунёд этган олимлардан, конструкторлардан, машинасозлар ва механизаторлардан бир группасини Ленин мукофоти лауреатлигига номзод қилиб тавсия этиш ҳақида Ленин мукофотлари Давлат комитетига мурожаат қилдилар.

Ёш пахтакор-механизаторлар слёти қатнашчилари республикадаги барча ёш механизаторларга очиқ хат қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Ш. Р. Рашидов слётда нутқ сўзлади. ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Ю. В. Торсуев ҳам музокарада қатнашди.

Слёт ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломоносов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззоқов, С. Р. Расулов иштирок этдилар.

С. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Суратда: ёш пахтакор-механизаторлар республика слётининг мажлислар залида.
И. Глауберзон фотоси.

ДЎСТЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТИНМАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРКМАН 1966 АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

Туркман адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги декадаси ёпилишига бағишланган тантанали мажлис

Тошкент саноат корхоналарининг цехларида ва қурилишларда, Фарғона водийсининг оппоқ пахтадан уюлган хирмонлари олдида, Бухоро ва Хиванинг қадимий ёдгорликлари ёнида, боғу бўстонга айлантирилаётган Қарши даштида, бутун республикада туркман адабиёти ва санъати декадаси қатнашчилари шарафига айтилаётган самимий табрик сўзлари ўн кун давомида янграб турди. Бу қувончли байрам ўзининг охирги маррасида пахта байрами тантаналарига қўшилиб кетганлиги ҳам диққатга сазовор бўлди. Бу икки қўшни республика халқлари юбилей йилига, Совет ҳокиминятининг 50 йиллигига қадам қўйиб, она-Ватанни ажойиб меҳнат совғалари билан қувонтирдилар. Декада вақтида янграган шеърлар ва қўшиқлар ана шу улуғ ишларга, совет кишиларининг баҳодирона кучига куч қўшаётган халқлар ленинча дўстлигига, мамлакатимизни коммунизм чўққилари сари олиб бораётган шонли Ленин партиясига бағишланди.

Навоий номидаги давлат катта академик опера ва балет театри туркман қиламларининг ранг-баранг тусига безаниб товланди. Меҳнаткашлар коллективларининг жуда кўп вакиллари, республика маданият арбоблари, қардош республикалардан келиб янги Тошкентни бино қилаётган бинокорлар декадани тантанали ёпиш маросимида ҳозир бўлиш учун шу театр биносига тўпландилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззоқов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Г. А. Габриельянц, М. З. Мирзаахмедов, А. Р. Хўжаев, идеология муассасаларининг ва Ўзбекистон ижодий союзларининг раҳбарлари тантанали мажлис президиумидан жой оладилар. Туркманистон адабиёти ва санъатининг етакчи арбоблари улар билан бирга президиумга чиқадилар.

Тантанали йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов очади.

Бугун, дейди у тўпланганларга мурожаат қилиб, қардош Туркманистон Совет Социалистик Республикаси адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги декадаси ниҳоясига етмоқда.

Талантли туркман халқининг ажойиб маданияти унутилмас ўн кун мобайнида ўзбек эли бўйлаб сафар қилди. Республикамизнинг юз мингларча меҳнаткашлари Коммунистик партия доно ленинча миллий сиёсати амалга оширилганлиги туфайли туркман халқи адабиёт ва санъатини ривожлантиришда эришган ажойиб муваффақиятларни яна бир марта кўришга ва муносиб равишда юксак баҳолашга муваффақ бўлдилар.

Туркман адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги декадаси қардош халкларимизнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Туркман ва ўзбек халқлари абадий ва бузилмас дўстлигининг, уларнинг коммунизм юксак идеаллари учун курашдаги маҳкам бирлиги ва жипслигининг унутилмас намойишига айланиб кетди.

Ўртоқ Нишонов партия ва халқнинг содиқ фарзанди, ўз дўсти ва биродари, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ёзқули Худойбердиев хизмат вазифасини ўтаб турган вақтда фожиона ҳалок бўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон меҳнаткашлари чуқур қайғураётганликлари ҳақида гапиради. Мажлис аҳли бир дақиқа сукут сақлаб, Ё. Худойбердиевнинг порлоқ хотирасини ҳурматлайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топшириғига биноан, Ўртоқ Нишонов Туркманистон адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги декадаси тамом бўлганлигига бағишланган тантанали йиғилиши очиқ деб эълон қилади. СССР давлат гимни янграйди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова сўз берилади.

Азиз Ўртоқлар! — дейди Ё. С. Насриддинова.— Бундан ўн кун бурун, мана шу залнинг ўзида, худди мана шундай тантанали вазиятда биз туркман адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги декадасини очган эдик. Бу — Ўзбекистон элидаги катта байрамнинг бошланиши бўлган эди.

Бугун биз декадага якун ясар эканмиз, зўр мамнуният билан шуни айтамизки, бу декада чинакам умумхалқ байрами бўлиб, бузилмас бирлигимизнинг, самимий дўстлигимиз, улуғ қардошлигимизнинг ёркин ва унутилмас намойиши бўлиб ўтди.

Шу нарса ғоят диққатга сазоворки, декаданинг очилиши Совет ҳокиминятининг эллигинчи юбилей йили бошланган бир пайтга тўғри келди.

Совет кишилари босиб ўтилган йўлга улуғ эллик йиллик чўққисидан назар ташлар эканлар, ўз севикли социалистик Ватани учун, унинг ҳақли равишда жаҳонни ҳайратда қолдираётган улкан муваффақиятлари учун чексиз қувонч ва ватанпарварлик ифтиҳори ҳис-туйғуларига тўлиб тошмоқдалар. Кўп миллатли Совет давлатининг ярим асрлик тарихи кураш ва меҳнатнинг, улуғвор социалистик ўзгаришлар ва қаҳрамонона зафарларнинг шонли тарихидир.

Совет Иттифоқи халқларининг Ленин партияси раҳбарлигида эришган тарихий муваффақиятлари бизнинг республикаларимиз — Ўзбекистон ва Туркманистон мисолида айниқса яққол кўриниб турибди. Бу республикалар Улуғ Октябрга қадар чор Россиясининг мустамлака чекка ўлкалари бўлиб, Совет ҳокимияти йиллари мобайнида биринчи даражали индустрияга, юқори даражада механизациялашган қишлоқ хўжалигига, шаклан миллий, мазмунан чинакам социалистик илғор маданиятга эга бўлган гуллаб-яшнаб турган совет республикаларига айланди.

Бугун биз бўлиб ўтган декада қардош туркман халқининг социалистик маданиятни ривожлантиришда, коммунистик қурилишдаги муваффақиятларига умумхалқ юбилейи кўрининг бошланиши бўлди, деб айтишга ҳақлимиз. Бу муваффақиятлар Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларни чин кўнгилдан хурсанд қилмоқда.

Ленин партияси, Совет ҳокимияти туркмач халқининг маънавий кучларини батамом яшнатиб, юборди, унинг ривожи учун катта имкониятлар очиб берди, унинг ҳар томонлама равнақ топиши учун энг яхши шарт-шароитларни вужудга келтирди. Зотан, биз декада кунлари қардош Туркманистон маданияти ижодий камолотнинг нақадар юксак чўққисига кўтарилганлигини яна бир марта кўрдик.

Шу кунлари биз талантли туркман ёзувчиларининг китобалари билан тағин ҳам яхшироқ танишдик, жозибадор, ўхшаши йўқ туркман рақсларини кўриб ҳузур қилдик, туркман халқининг дилрабо қўйларини тингладик, бутун мамлакатда машҳур бўлган ажойиб туркман актёрларининг маҳоратини томоша қилдик.

Туркман ёзувчилари, рассомлари, композиторлари, артистлари, созандалари, кинематографчиларининг ижоди қардош туркман халқининг истеъдоди ва талантинигина эмас, шу билан бирга, адабиёт ва санъат усталарининг юксак ғоявийлигини, уларнинг халққа, коммунизм тантанаси ишига садоқат билан хизмат қилишга қизғин интилишини ҳам кўрсатди.

Декада зўр ватанпарварлик кўтаринкилиги вазиятида самарали ва маромли ўтди. Бу декада фақат маданият арбобларинигина ўзига жалб қилиб қолмай, кенг оммани ҳам — декаданинг бевосита иштирокчилари бўлиб қолган ўн ва юз мингларча меҳнаткашларни ҳам жалб этди.

Ишчилар колхозчилар, зиёлиларнинг туркман маданияти арбобларининг ижодига ғоят қизиқиб қарадилар, уларнинг асарлари муҳокамасида қатнашдилар, қадрли дўстларнинг маҳоратига, улар яратган асарларнинг бадиий ва ғоявий савияси юксаклигига қойил қолганликларини изҳор қилдилар.

Туркман дўстлар Ўзбекистоннинг турли жойларига бориб келдилар. Улар Тошкент ва Чирчиқдаги, Ангрен ва Янгийўлдаги, Фарғона ва Самарқанддаги, Андижон ва Намангандаги, Бухоро ва Урганчдаги, Хива ва Нукусдаги, Қарши ва Термиздаги завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, илмий институтлар ва ижодий коллективлар ҳузурида, кўпгина бошқа шаҳарларда, посёлка ва қишлоқларда бўлдилар. Ҳамма жойда азиз меҳмонларимизни самимий хушнудлик, сахий меҳмондўстлик, очиқ кўнгил билан кутиб олишди.

Республикамиздаги энг асосий воқеа бўлиб қолган декада ўн кун мобайнида Ўзбекистон турмушини ёритиб турди. Туркман дўстларнинг номлари ҳеч кимнинг тилидан тушмади. Матбуот, радио, телевидение декадага жуда катта аҳамият бериб, Туркманистоннинг санъаткор интеллигенцияси ижоди тўғрисида, Ўзбекистон меҳнаткашларининг қардош туркман халқига қизғин меҳр-муҳаббат туйғулари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Декада кунларида туркманистонлик ога-иниларимиз ва опа-сингилларимиз билан ўтказган дилкаш учрашувларимиз маданиятларимизнинг ривожидан, республикаларимиз халқлари дўстлигидан ҳикоя қилувчи шонли йилномага ёрқин саҳифа бўлиб киради.

Қадим замонлардан бери бир-бирига яқин бўлиб келган халқларимизнинг маданиятлари Улуғ Октябрь қуёшидан баҳра олиб чинакам равнақ топди, ғоят ёрқин ва кўп қиррали маданиятлар бўлиб, тағин ҳам кўпроқ бир-бирига яқинлашди. қон-қардошлик, бундай ўзаро алоқа, кундалик муносабатлар маданиятларнинг ўзаро бойишига ва уларнинг бутун мамлакат социалистик маданияти манфаатлари йўлида, коммунизм қурилиши манфаатлари йўлида янада барқ уриб ривож топишига кўмак беради.

Ўзаро алоқа ва бир-бирини бойитишнинг бутун мамлакатда давом этаётган бу жараёни совет халқларининг тобора ўсиб бораётган маънавий-сиёсий бирлигидан, партиямиз ленинча миллий сиёсати тантанасидан яққол далолат бериб турибди, барча қардош республикалар маданиятини юксалтиришга актив ёрдам бермоқда, совет кишилари маънавий кучларини тўхтовсиз ўстириш ва янада гуллатиб-яшнатишнинг ишончли гаровни бўлиб хизмат қилмоқда.

Декада Ўзбекистон меҳнатчиларни ўзларининг катта традицион байрами, «оқ олтин» усталарининг қаҳрамонона меҳнатини шарафловчи «Пахта байрами»ни зўр тантана ва хурсандчилик билан нишонлаган шонли кунларда тугалланаётганлиги ғоят файзли воқеа бўлди. Бинобарин, биз Ўзбекистон пахтакорлари байрам дастурхонига ажойиб туҳфа — тўрт миллион эллик минг тонна пахта тортиқ қилганликларини туркман дўстларга маълум қилишдан бахтиёрмиз. Ўтган йиллар ичида пахтачиликнинг ривожланишида ва ҳосилдорлигида ҳеч бирида бунча миқдорда пахта топширилмаган эди.

Биз бу йил қаҳрамонона меҳнат қилиб, «оқ олтин»дан мислсиз мўл ҳосил териб олган ва давлат омборига 626 минг тонна пахта топширган қардош Туркманистон пахтакорларининг зўр муваффақиятидан ҳам чин кўнгилдан хурсанд бўлмоқдамиз.

Бу — Ўзбекистон ва Туркманистон меҳнатчиларининг катта пахта хирмони учун, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун курашдаги улкан ғалабаларидир.

Пахта — туркман ва ўзбек халқларининг катта миллий бойлигидир. Пахтачиликни ривожлантиришдаги ажойиб муваффақиятлар, республикаларимиз пахтакорларининг қаҳрамонона меҳнати маданият арбоблари ижодини руҳлантирмоқда ва илҳомлантирмоқда. Ишчилар синфининг, зиёлиларнинг ва бутун халқнинг улуғ ғалабалари қатори пахтакорларнинг муваффақиятлари ҳам ёзувчилар, шоирлар, композиторлар, артистлар ижодига бундан буён ҳам битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади ва улар совет даврига муносиб янги-янги асарлар яратиб берадилар, бунга шак-шубҳа йўқ. Адабиёт ва санъатнинг халқ турмуши билан чамбарчас боғланганлиги, жонажон Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги бунинг энг яхши гаровидир.

Азиз дўстлар! Декада вақтида, у тамом бўлаёзган пайтда бошимизга оғир мусибат тушди — Туркманистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари дўстимиз ва қардошимиз Ёзқули Худойбердиев фожиона ҳалок бўлди.

Республика кенг жамоатчилигининг истакларини ҳисобга олиб, ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва қардошлик нишонаси тариқасида, туркман халқининг содиқ фарзанди, хизмат бурчини ўтаб турган вақтда Ўзбекистонда фожиона ҳалок бўлган Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ёзқули Худойбердиевнинг порлоқ хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Туркманистон ССР ижодий коллективларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбек ва туркман халқларининг кўп миллатли ягона совет оиласидаги қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса бўлиб қўшилган туркман адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги декадаси даврида республика меҳнаткашлари ўртасида туркман халқи маданияти ютуқларини пропаганда қилиш юзасидан катта ва самарали иш қилганликлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Туркманистон ССР Маданият министрлиги;

Туркманистон ССР Министрлар Совети кинематография давлат комитети;

Туркманистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети;

Туркманистон Ёзувчилар союзи;

Туркманистон Рассомлар союзи;

Туркманистон Композиторлар союзи;

Мулланепес номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Туркманистон давлат академик драма театри;

Махтумқули номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Туркманистон давлат опера ва балет театри;

А. С. Пушкин номидаги давлат рус драма театри;

Туркманистон давлат филармонияси;

Туркманистон ССР халқ рақси давлат ансамбли;

Туркманистон ССР халқ чолғу асбоблари давлат оркестри;

Чоржўй районларарО филармонияси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1966 йил, 21 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

ҲАМЖИҲАТЛИК ВАЗИЯТИДА

СОВЕТ - АВСТРИЯ АХБОРОТИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийнинг 1966 йил 14 ноябрдан 21 ноябргача Австрияга қилган расмий визити тамом бўлгач эълон қилинган Совет — Австрия қўшма ахборотида бундай дейилади: мустақил ва демократик Австрияни қайтадан тиклаш тўғрисидаги давлат шартномаси, шунингдек Австрия парламенти қабул қилган ва халқаро эътирофга сазовор бўлган Австриянинг доимий бетарафлиги Европадаги халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган ижобий ҳисса бўлди.

Совет томони, деб таъкидланади ахборотда, Австриянинг бетараф суверен давлат тариқасидаги ўз мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган куч-ғайратларини Совет Иттифоқи бегаразлик билан тўла равишда қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб қувватлайверади, деб айтди.

Европа қитъасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга иккала томон биринчи даражали аҳамият бермоқдалар, Шу муносабат билан Европа хавфсизлигини таъминлаш ва Умумевропа ҳамкорлигини йўлга қўйиш проблемаларини муҳокама қилмоқ учун умумевропа кенгашини чақириш тўғрисидаги масала тилга олинди. Томонлар яхши тайёрланган ана шундай кенгашни чақириш Европадаги ва бутун дунёдаги вазиятни нормаллаштириш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган бўлар эди, деб ҳисоблайдилар.

Томонлар Германия масаласи хусусидаги ўз фикрларини баён қилиб бердилар. Улар Германия масаласини тинч бартараф этиш проблемасини ҳал этиш барча манфаатдор давлатларнинг хавфсизлиги манфаатларини ҳисобга олиши лозим, деб таъкидладилар.

Музокараларнинг қатнашчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдаги муҳим роли ва эътибори қилдилар. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставига қаттиқ риоя қилиш асосида БМТни мустаҳкамлашдан ўзларининг манфаатдор эканликларини айтдилар ва давлатларнинг шу ташкилот доирасида актив ва конструктив ҳамкорлик қилишларини ёқлаб фикр билдирдилар.

Томонлар БМТ Бош Ассамблеяси маъқуллаган принциплар асосида самарали халқаро контроллик вазиятида батамом ва тўла қуролсизланиш тўғрисида бир битимга эришишнинг катта аҳамиятини таъкидладилар.

Томонлар дунёдаги ҳамма давлатлар қатнашиши лозим бўлган ва қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясини чақиришни ёқлаб чиқдилар.

Ядро қуролининг тарқатилиши тинчлик учун нақадар хавф солишини эътиборга олиб, ҳар иккала томон ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида битим тузиш ғоят зарур эканлигини таъкидладилар.

Музокараларнинг қатнашчилари халқаро кескинликни юмшатиш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги 1963 йилги Москва шартномасининг катта аҳамиятини қайд қилдилар. Томонлар ядро синовларининг ҳамма турларини тақиқлаш тўғрисида бир битимга эришиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Шарқи-Жанубий Осиёда хатарли аҳвол мавжудлиги муносабати билан томонлар ўзларининг зўр ташвиш чекаётганликларини айтдилар ва Вьетнам масаласи хусусида ўзларининг тегишли позицияларини баён қилиб бердилар. Улар Вьетнам халқига ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имконияти бериб қўйилиши лозим, деган фикрга амал қилмоқдалар ва 1954 йилги Женева битимларининг бажарилиши Вьетнам проблемасини бартараф этишнинг негизи деб биладилар.

Томонлар Совет—Австрия муносабатларининг аҳволидан мамнун эканликларини изҳор қилиб, бу муносабатларни янада ривожлантириш имкониятларини батафсил муҳокама қилдилар.

Шу муносабат билан ахборотда иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданий ва илмий алоқаларни янада кенгайтириш, шунингдек туризмни ривожлантириш зарурлиги таъкидлаб ўтилади.

Совет Иттифоқи ва Австрия давлат арбоблари ўртасидаги шахсий алоқаларни янада ривожлантиришга томонлар муҳим аҳамият берадилар.

Н. В. Подгорний СССР Олий Совети Президиуми номидан, дейилади ахборотда, Австрия Республикасининг федерал президенти Франц Ионасни расмий визит билан Совет Иттифоқига келишга таклиф қилди. У, шунингдек Совет ҳукуматининг расмий визит билан Совет Иттифоқига келиш тўғрисидаги таклифномасини федерал канцлер доктор Иозеф Клаусга топширди. Таклифномалар миннатдорчилик билан қабул қилинди. Визитнинг вақти дипломатик йўллар билан келишиб олинади.

Давлат визити тугади

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 21 ноябрда Австриядан Москвага қайтиб келди. Бу ерда у Австрия республикаси федерал президенти Ф. Ионаснинг таклифига биноан, давлат визити билан меҳмон бўлган эди. (ТАСС).

ШУДГОРЛАШ ИЛҒОРЛАРИГА — БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети кузги шудгорлаш бўйича областлар ва Қорақалпоғистон Автоном республикаси ўртасидаги социалистик мусобаканинг 16 ноябрдан 20 ноябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент областига** берилди. (Область партия комитетининг секретари Ўртоқ **М. А. Абдураззоқов**, область ижроия комитетининг раиси **Э. Т. Шайхов**, область комсомол комитетининг секретари **Б. С. Тошхўжаев**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **И. А. Ли**, совхозлар трестларининг директорлари Ўртоқ **И. С. Сотиволдиев** ва Ўртоқ **Р. М. Алибеков**, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси Ўртоқ **М. Ф. Мамонтов**). Бу область кузги шудгорлаш планини 44 процент бажарган ва ноябрь ойининг тўртинчи беш кунлигида 13,5 процент ўсишга эришган. Байроқ Самарқанд областидан олиб берилди.

Қашқадарё ва Сирдарё областларининг хўжаликлари кузги шудгорлашни яхши ташкил этганликлари қайд қилинди.

ПАХТАЧИЛИКНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ УЧУН

Ёш пахтакор-механизаторларнинг республика слётида Ўзбекистон КП Марказий Комитети секретари ўртоқ Н. М. МАТЧОНОВ доклади

Ўртоқлар!

1966 йили жуда катта тарихий воқеалар рўй берди. Ватанимиз пойтахти — Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съезди ва Ленин комсомолининг XV съезди бўлиб ўтди. Партия съезди совет халқи қилган қаҳрамонона меҳнат натижаларини якунлади, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг яқин йилларга мўлжалланган вазифаларини белгилаб берди, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планига доир директиваларни тасдиқлади.

Партия Ленин комсомолининг, совет ёшларининг кучига ва имкониятига ишонади, уларга катта ва масъулиятли ишларни топшириб келди ва бундан буён ҳам топшираверади, деган сўзлар съезд минбарида зўр куч билан янгради. Ленин комсомоли XV съезди ишининг асосий мазмуни партиянинг мана шу юксак ишончини қандай қилиб яхшироқ оқлашдан иборат бўлди.

Совет халқи партия XXIII съездининг қарорларини амалга ошира бориб, беш йилликнинг биринчи йилида экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. Мамлакат саноати ялпи маҳсулот ва энг муҳим буюмларни ишлаб чиқариш ўн ойлик планини муддатидан олдин адо қилди, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқлар муваффақиятли бажарилмоқда. Мамлакатимизда ҳеч қачон бу йилгидек кўп дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмаган эди.

Беш йилликнинг биринчи йилида Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшдилар. Саноат ишлаб чиқариши, юк ва пассажирлар ташиш, товар оборoти планлари тўла ва ошириб бажарилмоқда, капитал қурилиш ҳажми анча ошиб кетди. Уй-жой бинолари қуриш ниҳоят даражада кенг қулоч ёйди. Тошкент шаҳридаги зилзила оқибатлари Москва, Ленинград шаҳарларидаги меҳнаткашларнинг, мамлакатимиздаги барча қардош республикаларнинг беғараз ва жуда катта ёрдами билан муваффақиятли равишда тугатилмоқда.

Республиканинг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари давлатга пилла, дон, шу жумладан шоли, узум, қовун-тарвуз, жун, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш йиллик планларини шараф билан бажардилар. Шоли пахтакорларимиз катта ғалаба қозондилар. Бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга 4 миллион 50 минг тонна пахта сотилди. Ўзбекистон пахтакорлари ватанга пландан ташқари 350 минг тонна «оқ олтин» бердилар. Ўзбекистоннинг ҳамма областлари ва Қорақалпоғистон Автоном Республикаси ўзларининг социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Комсомоллар, ёшлар пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш планларини муваффақиятли бажаришга катта ҳисса қўшдилар.

Ёш механизаторларимизнинг бугунги слёти мамлакатимиз Совет ҳокимиятининг эллик йиллик юбилей йилига қадам қўйган кунларда, Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг юз йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган пайтда тўпланди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан сиз ёш механизаторларни чин кўнгилдан табриклашга ва «Зангори кемалар»нинг барча капитанларига, «оқ олтин»дан энг катта хирмонлар яратган комплекс механизация бригадалари ва звеноларининг раҳбарларига чуқур ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. Қишлоқ хўжалик техникасини яратиб берган саноат корхоналарининг ишчиларига, инженерлар, конструкторлар ва олимларга ва граждан ҳаво флотининг лочинларига пахтакорларимизнинг дўстлари ва содиқ ёрдамчиларига ҳам чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиламиз.

Ўзбек халқи неча минг йилларидан бери пахтачилик билан шуғулланиб келаётган бўлса ҳам аммо узоқ вақтлар мобайнида омоч билан кетмон пахтакорларнинг яқин вақтларгача асосий иш қуроли бўлиб қолавергани эди. Лекин фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан кейингина республикамизда пахтачилик тез ривожлана бошлади. Ҳозирги вақтда республика қишлоқ хўжалигининг энергетика қуввати 9 миллион 422 минг от кучига етди. Экин майдонининг ҳар юз гектарига 244 от кучи ва ҳар бир ходимга 6,4 от кучи тўғри келмоқда. Колхозлар ва совхозларнинг далаларида ҳозир 120 мингдан кўпроқ трактор, 24 минг пахта териш машинаси минглаб бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб турибди. Қишлоқ хўжалигига сарфланаётган капитал маблағлар тинимсиз кўпайтирилмоқда. Фақат етти йиллик мобайнидагина ирригация қурилишига 985 миллион сўм сарфланди.

Етти йилликлар мобайнида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 31 процент ошди. Пахта етиштириш кўпайтирила бориб, 1958 йилдаги 3 миллион 46 минг тоннадан бу йил 4 миллион 50 минг тоннага етказилди. Меҳнат унумдорлиги колхозларда 32 процент ва совхозларда 41 процент ошди. Пахтанинг ҳосилдорлиги гектар бошига 1958 йилдаги 21 центнер ўрнига бу йил 25 центнердан ошиб кетди.

Шу беш йилликнинг охирига бориб Ўзбекистонда пахта етиштиришни 4 миллион 180 минг тоннага етказиш, шу етиштирилган пахтадан икки ярим миллион тоннасини машиналарда териб олинадиган қилиш планда белгилаб қўйилди. Беш йиллик йиллари мобайнида 500 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади.

Бу беш йилликда Ўзбекистон мамлакатнинг асосий шоликор районларидан бири бўлиб қолади. Чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик ва узумчилик, сабзавотчилик ва полизчилик, шунингдек республика қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам янада ривож топади.

Пахтачиликни ривожлантиришда эришилган муваффақиятларнинг бонси шуки, республика партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг ва Совет ҳукуматининг катта ёрдамига суяниб, комплекс механизацияни авж олдириш йўлини қатъият билан ўтказиб келди.

Ўзбекистон мамлакатнинг фақат асосий пахта базаси бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга у асосий пахтачилик машиналарининг ҳаммасини яратиб берадиган ва ишлаб чиқараётган марказ вазифасини ҳам бажармоқда.

Бизнинг олимларимиз ва конструкторларимиз ғўзани парвариш қилиш ва пахтани териш ишларининг деярли ҳаммасини механизациялаштирадиган машиналар яратиб бердилар.

Масалан, «Ташсельмаш» заводи «СХМ-48-М» маркали машиналарни ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келмоқда эди. Бу завод ўзиюрар «ХВС-1,2» машиналарини, сўнгра эса осма «ХТ-1,2» терим машиналарини кўплаб ишлаб чиқаришга қиска муддат ичида ўтиб олди. Яқин фурсатда бу завод тўрт қаторли «Ўзбекистон» терим машиналарини, шунингдек кенг қаторли пахта майдонларида ишлаш учун керакли терим машиналарини кўплаб ишлаб чиқара бошлайди.

Ҳозир республикамизда ерни ҳайдаш ва чигит экиш олдидан уни ишлаш, чигит экиш ва культивация қилиш, ерларни суғориш учун эгат олиб бериш, ўғит солиш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш, пахтани қоп-қанорсиз ташиш, қўрак чувиш, ғўзапояларни йиғиб-териб олиш, ер текислаш, пахтани ортиш ва бўшатиш ва бошқа ишлар тўла равишда механизациялаштирилган.

Ғўзани парвариш қилиш технологияси бутунлай ўзгариб кетди. Бу йил 600 минг гектардан кўпроқ ерга чигит квадрат уялаб экилди, 906 минг гектар майдондаги ғўза икки томонлама ишланди, 163 минг гектардаги ғўза машинада чеканка қилинди. 1966 йилда чигит экиладиган майдонларнинг 304 минг гектарида бегона ўтларнинг илдизлари йиғиштириб олинди, бир миллион 237 минг гектар майдонга чигит экиш олдидан ва чигит экиш чоғида минерал ўғитлар солинди.

Пахта теримини машиналаштириш пахтачиликдаги техника тараққиётининг асосий қисми бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Пахтани машинада териш масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, бутун республика партия ташкилотининг, пахта теришни механизациялаштиришни ўз оталигига олган Ўзбекистон комсомолининг ҳамиша диққат марказида турибди.

Валентин Тюпко, марҳум Мелиқўзи Умрасқов, Тоғай Абсаматов, Жавод Кўчиев комплекс механизация учун кураш байроғини Ўзбекистонда биринчи бўлиб кўтариб чиқдилар. Республика комсомоли пахтачиликни механизациялашнинг ажойиб устаҳлари бўлган, ўзи тарбиялаб етиштирган Маннон Жалолов, Мамажон Дадажонов, Қурбон Кенжаев, Искандар Юсупов, Тўра Раҳимов, Суяр Толмасов ва бошқа жуда кўп механизаторлар билан ҳақли равишда фахрланади.

«Зангори кема» штурвалини биринчи бўлиб қўлга олган энг биринчи аёл механизатор Турсуной Охунованинг номи бутун мамлакатга маълум. Фақат Ўзбекистондагина эмас, мамлакатнинг бошқа пахтакор республикаларида ҳам юзлаб ва минглаб қизлар унинг ажойиб ва ўрнак бўларли ишидан намуна олдилар, механизаторлар сафига қўшилдилар. Булар орасида Эътибор Набиева, Обида Ҳамроева, Маҳбуба Насриддинова, Турсуной Раимова, Матлуба Назарова, Мухаррам Фузайлова, Муяссар Барноева, Инобат Охунова ва бошқалар бор.

Республикамизда пахтани машинада териш тез ривож топмоқда. 1958 йилда 62,8 минг тонна ёки жамики пахта ҳосилининг 2 процента машиналарда териб олинган эди. Бу йил эса 1 миллион 320 минг тоннадан зиёд ёки жамики ҳосилнинг 33 проценти машиналарда териб топширилди.

Шпинделли терим машиналари билан биринчи ва иккинчи теримда тўпланган пахтага биринчи сорт учун белгиланган нарх билан ҳақ тўлаш тўғрисида иттифоқ ҳукуматининг чиқарган қарори ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин партиямизнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантиришда иқтисодий рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қилиш ҳам яхши натижалар берди.

Биз шу нарсадан хурсандмизки, бу йил ҳамма областлар пахтани машинада териш планларини ва мажбуриятларини бажардилар.

Юзлаб бўлимлар, комплекс механизация бригадалари ва звеноларидан бутун пахта ҳосилининг 85-90 процентини ва ундан ҳам кўпроғини машиналарда териб олдилар. Шуларнинг энг яхшилари эса бу йил бутун ҳосилни қўл меҳнати ишлатмай, машинада териб топширишди. Масалан, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг биринчи бўлимида Ҳамид Жафеш бригадаси 196 гектар майдондаги ҳосилнинг ҳаммасини тамомила теоим машиналарида ва қўрак йиғиш машиналарида териб олди ва тўкилиб қолган пахталарни ҳам подборщиклар ёрдамида йиғиштириб олди. Жавод Кўчиев, Маннон Жалолов бригадалари ўзлари етиштирган ҳосилни сира қўл меҳнати ишлатмай батамом машинада йиғиб-териб олишга муваффақ бўлдилар.

Машиналарни кенг қўлланиш пахта теришни ушлтириш ишларининг ҳаммасини губдан ўзгартириб юборди. Бундан бир неча йил аввал республикада пахта тайёрлаш планини ноябрнинг охирида, декабрь ичи аранг бажарар эдик.

Республикада икки йилдан буён пахта тайёрлаш плани октябрь ойининг охирида бажарилляпти. Ҳозирги вақтда пахта териш машиналари ҳосилни йиғиб-териб олишда қариб 700 минг кишининг меҳнатини бажаряпти.

Пахта тайёрлаш ишидаги долзарб кунларда ҳар куни 110-115 минг тонна ёки йиллик планнинг қариб 3 проценти миқдорида пахта топширилиб турди. Ўша пайтларда ҳар кунги топширилган пахтанинг деярли ярмиси машиналарда терилган пахтадан иборат бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати сизларнинг чинакам қаҳрамонона қилган меҳнатингиз учун катта ташаккур билдирадилар.

Пахта теришни машиналаштириш терим ишларини бажариш муддатларинигина жуда қисқартириб қолмасдан, шу билан бирга пахта теришга сарф бўладиган меҳнат ва маблағларни ҳам анча камайтиришга имкон беради.

Бу йил «Малик» совхози жамики пахта ҳосилининг ўндан тўққиз қисмидан кўпроғини машиналарда териб олди ва ҳосилдорлики гектар бошига қариб 30 центнерга етказди. Бу эса совхозда ҳар бир ходимга тўғри келадиган пахта майдонини 2,5 баравар кўпайтиришга ва меҳнат унумдорлигини 2 баравардан зиёдроқ оширишга, пахта таннархини 30 процентга яқин камайтиришга имкон берди.

Ҳар бир центнер пахтанинг таннархи эса 24 сўм 70 тийинга тушди. Пахта теришда қатнашган ҳар бир кишига ўрта ҳисобда кунига 7 сўм ҳақ тўланди.

Ўрта ҳисобда ҳар бир терим машинасини асраш ва далалардаги пахтани машинада териб олиш учун тайёрлаш, яъни аммортизация харажатларига, машиналарни ремонт қилишга, уларнинг парваришига, дефолиация ишларига, машиналар буриладиган жойларни тайёрлашга ва бошқа харажатларга бир йилда тахминан бир машинага ҳисобланганда 2-2,5 минг сўм сарф бўлади. бир мавсумнинг ўзида ҳар бир машина нечоғли кўп пахта берса, шу пахтанинг ҳар бир тоннасини териб олиш шу қадар арзонга тушади. Ильич районидаги 6-совхозда Нуриддин Бердибоев шу йил ўз машинасида 200 тонна пахта териб берди. Демак, у ҳар бир тонна пахтани теришга қарийб 12 сўмга ёки қўл билан терилганига қараганда олти баравар арзонга тушди. Ҳар бир терим машинасини ҳар куни ва бутун мавсум давомида териб бераётган пахтасини кўпайтириш ҳосилни тез олишни тезлаштиришгина қолмасдан, шу билан бирга пул маблағларини анча тежашни ҳам таъминлайди. Пахта териш агрегатларининг ҳар кунги ва мавсумий иш унумини оширмоқ учун машиналарни икки смена ишлайдиган қилиш катта аҳамиятга эга. Бу ишда ёшлар ўрнак кўрсатишлари лозим.

Бироқ, пахта теришни механизациялашга ҳали ҳамма жойда ҳам етарли эътибор берилмаётганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Мирзачўлнинг қўриқ ерларидаги совхозларда пахта теришни механизациялаш кўнгилдагидек эмас. Шу совхозларда пахтанинг фақат 47 процентигина машиналар билан териб олинди. Ваҳолонки, умуман, Сирдарё областида ялпи ҳосилнинг 60 процентга яқинини машиналарда териб олинди. Ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда Сирдарё областида 50 тонна пахта териб олингани ҳолда «Голодностепстрой» совхозларида ҳар бир терим машинасида ўрта ҳисобда фақат 37 тонна пахта терилди.

Янгиер, Наманган, Ғузор, Қамаши, Термиз, Шеробод районлари пахтани машинада териш планларини бажармадилар.

Республика комсомоли, ёш механик ҳайдовчилар пахта териш машиналарини ўзлаштиришга, теримни механизациялаш ишларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Мамажон Дадажонов тўрт қаторли машинада 420 тонна пахта териб топширди. Ленин районидаги Ильич номли колхозда ўртоқ Ҳафиз Полвонов 411 тонна; Нарпай районидаги Киров номли колхозда ўртоқ Суяр Толмасов 300 тонна; Фарғона областининг Киров районидаги «Иттифоқ» колхозида ўртоқ Нурман Бекназаров 260 тонна; Избоскан районидаги Шермат Юсупов номли колхозда Чиннихон Собирова 237 тонна; Шовот районидаги Чкалов номли колхозда Зариф Раматов икки қаторли машинада 198 тонна; «Голодностепстрой»нинг 6-совхозида Маҳмуд Эшпўлатов 196 тонна; Когон районидаги «XXII партсъезд» колхозида ўртоқ Яхъё Давронов 150 тонна, «Савай» совхозида ўртоқ Собир Кенжаев 150 тонна пахтани машинада териб топширдилар.

Биз янги босқичга қадам қўймоқдамиз — пахта теришни комплекс механизациялаштиришга ўтмоқдамиз. Кўрак йиғиб берадиган ва ерга тўкилиб қолган пахталарни йиғиштириб берадиган машиналарни кўплаб ишлаб чиқариш ташкил этилганлиги туфайли биз шундай имкониятга эга бўлиб қолдик.

Бу йил республика хўжаликлари 3 минга якин махсус пахта подборщиклари олди. Ерга тўкилиб қолган пахтани териб олишда қўл меҳнатига ўрин қолдирмайдиган мана шу подборщиклар пахтани машинада териш технологиясига тубли ўзгариш киритмоқда. Битта подборщик машинанинг ўзи 35-40 кишининг ишини бажармоқда.

Бироқ, подборщикларга етарли аҳамият бермаётган Мирзачўл совхозларида, Жиззах, Сирдарё районларида ва бошқа районларда подборщиклардан ёмон фойдаланилмоқда. Бу жиддий камчиликдир. Бизнинг энг муҳим вазифамиз шуки, подборщикларни яхши ўзлаштиришимиз, кенг жорий қилишимиз керак. Шундай қилганимиздагина шаҳарликларни, студентларни, ўқувчиларни пахта теришга жалб қилишдан тамомила воз кечишимиз мумкин бўлиб қолади. Мана шу катта ва оliжаноб ишда ёш механизаторларимизнинг роли катта. Улар подборщикларни ишлатишда ташаббусчи бўлишлари, пахта териш машиналарини жорий қилишда нечоғли сабот ва матонат билан ишлаган бўлсалар, иш унуми ғоят юксак бўлган мана шу машиналарни жорий қилиш учун ҳам шундай сабот ва матонат билан курашишлари лозим.

Энг муҳим вазифаларимиздан бири шуки, машинада терилаётган пахтанинг сифатини оширишимиз керак. Деҳқончилик маданиятини ҳамма ошира бориш, ғўзалар-қўсакларни бараварлаштириш, ер ҳосилини тўпланишини таъминлаш зарур. Бегона ўтларнинг ҳосилга етказаётган зарари катта. Бегона ўтлар пахтани машина билан тўлиқ териб олишга йўл қўймайди, терилаётган пахтага аралашиб кетиб, уни ифлос қилиб қўяди, кўсакнинг ўз вақтида очилишига имкон бермайди, пахтанинг намлигини кўпайтириб юборади. Машинада терилаётган пахтанинг сифатини оширмоқ учун дефолиациянинг аҳамияти жуда катта. Ғўзанинг барги яхшилаб тўктирилмаса пахта териш машиналаридан юксак даражада унумли фойдаланишга ҳам, бункердаги пахтанинг сифати яхши бўлишига ҳам эришиш мумкин эмас.

Машинада териш технологиясининг тўғри бўлиши ва бу технологияга қаттиқ риоя қилиш, машиналарни яхши созлаб ишлатиш, пахтага мой аралашиб қолишига йўл қўймаслик, машинада терилган пахтанинг сифатини яхшилаш учун катта аҳамиятга эга.

Пахтани теришни механизациялаш тайёрлаш пунктларидаги техникани, бугун технологияни ва ишларнинг ташкил этилишини тубдан ўзгартиришни талаб қилди. Ҳозир 285 та тайёрлов пунктида пахта қуритиш-тозалаш цехлари бор, пахтани қабул қилиб олиб ғарамлаб берадиган минглаб аппаратлар, транспортерлар ва бошқа механизмлар ишлаб турибди. Тайёрлов пунктларининг ходимлари тайёрлов пунктида янги техникани ва янгича ишлаш технологиясини ўзлаштириш соҳасида катта иш қилдилар.

Республика Пахта тозалаш саноати министрлиги тайёрлов пунктларининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, уларнинг ишини яхшилаш учун чоралар кўриши лозим.

Қўл меҳнатининг тўртдан уч қисмига яқини машиналар зимасига юклатилди, илғор бригадалардаги қўл меҳнати 85 процентигача машиналаштирилди. Лекин кўпгина колхоз ва совхозлар қўл меҳнатини йўқотиш учун мавжуд бўлган имкониятлардан ҳали ҳам қониқарсиз фойдаланмоқдалар.

Ғўзани яганалаш учун кўп меҳнат талаб қилинади. Бундан ташқари, яганалаш иши пилла қурти боқиш билан бир пайтга тўғри келади. Шу сабабли кўпинча яганалаш иши чўзилиб кетиб, ҳосилга зарар етказилмоқда.

Ғўзани вегетация даврида юқори сифатли қилиб ва ўз вақтида суғориш пахтадан мўл ҳосил олишнинг энг муҳим шартидир. Ана шу ишга ҳозир пахта етиштиришга сарф қилинаётган бутун меҳнатнинг 15-20 проценти сарф бўлмоқда. Лекин ана шу сермеҳнатли иш аслида механизациялаштирилмасдан қолмоқда, бу эса, янги ўзлаштирилган массивларда айниксa қўлни ушламоқда.

Бир оз қияликдаги далаларда экиларни суғориш учун қўл меҳнати жуда кўп талаб қилинади. Бир қанча хўжаликлар сувчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини қидириб, бундай далаларни яхши сифатли қилиб суғориб, чигитни кенг қатор ораларига экишни тажриба қилиб кўра бошладилар Бунда жўякни чуқур қилиб олиш ва эгатни уч-тўрт баравар узайтириш мумкин бўлади. Кенг қаторлаб экилганда ғўза парваришини механизация даражаси чигитни квадрат уялаб экилгандагидек сақланиб қолади-ю, лекин ғўзанинг калилиги кўпаяди, ғўза қўсғ нурлдан, ҳаводан ва озуқадан яхшироқ баҳраманд бўлади. бир оз қияликдаги далаларда суғоришнинг сифати кескин яхшиланади. Буларнинг ҳаммаси ҳосилга-ҳосил қўшади ва шу билан бирга чопиқ тракторлари, сеялкалар, культиваторлар, пахта териш машиналари ва бошқа машиналарнинг унумдорлигини анча оширишга, шу машиналарга бўлган эҳтиёжни камайтиришга ва шу тарика пахта етиштириш таннархини анча пасайтиришга имкон беради. Чигит кенг қаторларга экилганда пахтачиликда «Белорусь» типидаги кучли чопиқ тракторларини, кенг камровли машиналарни анча кўп иктисодий самара берадиган қилиб ишлатиш учун катта имкониятлар очилади. Бу йил 30 минг гектар ерга кенг қаторлаб чигит экилди, келгуси йилда эса 100 минг гектардан ортиқ майдонга чигитни шу усулда экишни мўлжаллаб турибмиз. Олимларимиз ва конструкторларимиз машиналар системасидаги етишмовчиликларнинг ўрнини тўлдириш ва пахта етиштириш ҳамда уни териб олишнинг ҳамма босқичларидаги қўл меҳнатини йўқотиш учун механизация ва химиянинг имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш учун техникани янада такомиллаштириш борасидаги куч-ғайратларини аямайдилар, бунга шак-шубҳамиз йўқ.

Биз ҳар бир сменада машиналарнинг унумдорлигини бутун ўралар билан кўпайтириш учун зўр бериб кураш олиб боришимиз, жузъий сабаблар, ташкилий ва бошқа нуқсонлар натижасида техниканинг бекор туриб қолишини бутунлай йўқотишимиз керак. Шундай қилганимизда ишларни энг яхши агротехника муддатларида бажариб, ҳосилни кўпайтира оламиз Машиналар қишлоқ хўжалигида мавсумий тарзда ишлатилади. Шу сабабли нотўғри сақлаш натижасида бу машиналар ишлаб турган вақтдагига қараганда ҳам кўпроқ ишдан чиқади. Қишлоқ хўжалик техникасини яхшироқ асраш юзасидан республикада бир талай ишлар қилинди. Наманган районидаги «Намуна», Денов районидаги «Ленин йўли», Охунбобоев номли колхозларда, Булунғур районидаги «Октябрь», Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли, Пахтаорол районидаги «Ленин йўли» колхозларида ва республикадаги бошқа баъзи хўжаликларда машиналар яхши сақланмоқда.

Бироқ, кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари техникани эҳтиёт қилиб асрашга етарли эътибор бермаяптилар. Янгийўл районидаги Свердлов номли, Ўзбекистон районидаги Муқимий номли, Хўжайли районидаги «Коммунизм» колхозларида бир қанча совхозларда машиналарни сақлашнинг энг оддий қоидаларига ҳам риоя қилинаётгани йўқ.

Қорақалпоғистондаги «Шуманай», «Равшан» совхозларида ва бошқа хўжаликларда техникани сақлашга хўжасизларча муносабатда бўлиш оқибатида турли маркадаги 160 та трактор, кўпгина пахта териш машиналари ва бошқа машина механизмларининг деталлари бўшатиб олинган. Мирзачўлдаги жуда кўп совхозларда ҳам шундай фактларни кўриш мумкин.

Тракторлар билан қишлоқ хўжалик машиналари ремонти ва технология хизматини тўғри ташкил этиш машина-тракторларнинг унумдорлигини ошириш ва уларни асраш-ги кетадиган харажатларни камайтиришга ва ўнга жуда катта аҳамиятга эга.

Механизатор кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш, уларнинг малакасини ва маҳоратини ошириш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялашни муттасил ўстириш ишидаги энг асосий вазифамиздир. Республика партия ташкилоти, Ўзбекистон комсомоли механизатор кадрларни танлаб олиш, ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида катта иш олиб бордилар. Ҳозир республика колхоз ва совхозларида 117 минг тракторчи, 31 минг пахта териш машиналарининг механик ҳайдовчилари, бошқа ихтисосдаги ўн мингларча механизатор бор. Бу қудратли армия қишлоқ хўжалигидаги ҳал қилувчи куч бўлиб қолди. Бизда механизаторлар етишмай турибди. Уларнинг сифатини ҳам етарли даражада қониқарли деб бўлмайди.

Республика пахтачилиги ва қишлоқ хўжалигидаги бошқа тармоқларни техника билан қуроллантиришнинг суръатлари ғоят ўсиб бораётганлиги қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг бутун характерини ҳам тубдан ўзгартириб юбормоқда. Колхозчи ва совхоз ишчисининг меҳнати тобора кўпроқ саноат меҳнатининг бир турига айланиб бормоқда. Бу эса, жуда катта ва муҳим вазифани, яъни ҳар бир колхозчи, совхознинг ҳар бир ишчиси тракторда, пахта териш машинасида ва бошқа машиналарда ишлашни ўрганиб олсин, деган вазифани кун тартибига қўймоқда. Қишлоқ хўжалик техникасини, аввало ёшлар эгаллаб олиши керак, албатта.

Республика комсомол ташкилоти механизатор кадрлар тайёрлаш соҳасида катта ташкилотчилик ишлари олиб бормоқда. Ўн мингларча йигитлар комсомол йўлланмаси билан қишлоқ профессионал-техника билим юртларида, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмалари ҳузуридаги курсларда ва совхозларда ўқидилар ва ўқимоқдалар. Механизаторларнинг умумий билим савиясини оширувчи жуда кўп тўгараклар ишлаб турибди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг профессионал-техника таълими давлат комитети механизатор кадрлар тайёрлаш юзасидан кўп иш қилмоқда.

Шуни эътироф қилиш керакки, механизатор кадрлар тайёрлаш соҳасидаги бутун ишимизнинг даражаси пахтачиликни комплекс механизациялаш юзасидан республика олдида турган катта вазифаларга жавоб бераётгани йўқ. Сурхондарё ва Бухоро областларида, Фарғона, Қашқадарё ва Хоразм областларининг айрим профессионал-техника билим юртларида механизаторлар тайёрлаш плани бажарилмаяпти. Сирдарё областида ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасида механизатор кадрлар тайёрлаш мутлақо қониқарсиз ташкил этилган, бу жойлардаги қишлоқ профессионал-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш плани мунтазам равишда бажарилмай келмоқда.

Шу вақтга қадар республиканинг кўпгина районларида 1966 йилнинг тўртинчи квартал планига мувофиқ қишлоқ профессионал-техника билим юртларига йигит ва қизларни қабул қилиш бошланганги йўқ.

Кўпгина область ва районларнинг комсомол ташкилотлари механизаторларнинг умумий таълимини етарли равишда оталиққа олмаяптилар. Бир қанча областларда — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Сирдарё областлари ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасида механизаторлик умумий таълим тўгараклари ва мактаблари умуман ташкил этилган эмас.

Механизаторлик умумий таълимини амалга ошириш тўғрисидаги тадбирлар қониқарсиз бажарилмоқда. Республика колхоз ва совхозларида ҳозир биронта ҳам механизаторлик умумий таълим тўгараги қолгани йўқ. Ҳолбуки, 1965 йилда 173 та ана шундай тўгарак бор эди. «Қишлоқда яшайсанми — техникани билиб ол» деган шиор қишлоқдаги ҳар бир ёш меҳнатчи учун асосий шиор бўлиши лозим.

Қишлоқ хўжалик техникаси йилдан-йилга тобора такомиллашиб ва шу билан бирга тобора мураккаблашиб бормоқда. Ҳозир машинага дуруст техника хизмати кўрсатиш ва уни ремонт қилиш учун созловчи усталарнинг, ремонт ишчиларининг юқори малакали кадрлари керак. Ёшлар созловчи мастерлар ва ремонтчи ишчилар тайёрлайдиган курсларда ва мактабларда махсус таълим олгач, устахоналарга ва ремонт заводларига ҳам комсомол йўлланмалари билан борсалар, тўғри иш қилган бўладилар.

Турсуной Охунованинг даъвати билан минг-минглаб қиз-жувонларимиз механизаторлик ихтисосларини ўрганиб олишди. Лекин биз ҳали ҳам қиз-жувонлар орасида механизатор кадрларни кам тайёрлаяпмиз ва механизация билим юртларини муваффақиятли тугаллаган кўпгина қиз-жувонлар машинада ишламаяптилар.

Бир қанча комсомол ташкилотлари ва профессионал-техника билим юртларининг қиз-жувонлардан механизатор кадрлар тайёрлашни кенгайтириш соҳасидаги тажрибасини маъқулласа арзийди. Ромитан совхозида ташкил этилган 10-қишлоқ профессионал-техника билим юртининг филиали 3 йилдан бери ишламоқда. Бу ерда ҳар йили қиз-жувонлардан 60 киши ва ундан кўпроқ киши билим олмоқда. Шу билим юртини битириб чиққан кўпгина қиз-жувонлар машинада 80-100 тоннадан ва ундан ҳам ошириб пахта термоқдалар. Бу йил 15-профессионал-техника билим юртининг Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозда ташкил этилган филиали ишлай ишлади. Бу билим юртида қиз-жувонлардан 150 киши механик-ҳайдовчи ихтисосини олди.

Механизатор кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг республикадаги машҳур механизатор пахтакорлар ҳузуридаги мавсумий ишлайдиган амалий таълим мактабларини барпо этиш сингари ўзини оқлаган формаси ўринсиз равишда унутиб қўйилди. Валентин Тюпко, Жавод Кўчиев ҳузуридаги ва бошқа бир қанча илғорлар ҳузуридаги ана шундай мактаблар қанчалик муваффақиятли ишлаганлиги ҳаммамизнинг эсимизда. Ана шундай мактабларни қайтадан тиклаш ва кенгайтириш лозим.

Ёшларимиз олдинги позицияларда дадил бормоқдалар. Маннон Жалолов Марказий Фарғонадаги Бўз районининг «Партия XX съезди» колхози қўриқ ерларига, Мамажон Дадажонов Мирзачўл қўриғидаги «Андижон» совхозига ишга борди. Фарғона, Андижон, Самарқанд ва бошқа областлардаги колхоз ва совхозларнинг кўпгина йигит ва қизлари уларга эргашдилар.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, янги инсонни тарбиялаб вояга етказиш ишида коммунистик меҳнат ҳаракатининг роли ғоят муҳим. Коммунистик меҳнат зарбдорларини «келажак разведкачилари» деб аташлари бежиз эмас.

Колхозчилар, совхоз ишчиларининг самарали ишлаши учун ҳамма шароитларни яратиб бераётган хўжалик раҳбарлари тўғри йўл тутмоқдалар. Москва районидаги «Ленинград» колхозининг ҳар бир бригадасида типовой лойиҳа билан қурилган дала шийпони бор, дала шийпони атрофларига гуллар, мевали дарахтлар экилган. Тушки овқат пайтида колхозчиларга лаззатли иссиқ таомлар пишириб берилмоқда. Бахтга қарши биз ҳамма колхоз ва совхозларда ҳам қишлоқ хўжалик меҳнатчилари тўғрисида шундай гамхўрлик қилинаётир, деб айтолмаймиз.

Биз республикамизда пахтани машинада териш чинакам оммавий тус олди деб бемалол айта оламиз. Механизаторларимизнинг маҳорати ўсиб бормоқда. Биз пахта териш техникасидан омилкорлик билан фойдаланиб, 1967 йилда камида бир ярим миллион тонна пахта тера оламиз ва шу тарика беш йилликнинг охиригача машинада пахта теришни икки ярим миллион тоннагача ёки бутун ҳосилнинг 60 процентигача етказишга пухта замин ҳозирлай оламиз.

Ёшларимиз, ҳамма комсомол ташкилотларимиз бу вазифаларни бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, ҳар бир машинада 80-100 тонна пахта терилиши учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздирадилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари куни кеча Пахта байрамини ўзларининг Ватан олдидаги бурчларини бажарганликлари учун зўр ифтиҳор туйғулари билан таптанали суратда нишонладилар. Пахтакорлар республика пахтачилиги тарихида биринчи марта ватанга 4 миллион тоннадан ортиқ «оқ олтин» бердилар. Лекин эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб қолишга совет кишилари ўрганмаганлар. Бундан буён бизнинг олдимизда тагин ҳам масъулиятлироқ вазифалар турибди.

Механизаторлар учун қизғин иш палласи бошланди. Ер ҳайдашни тугаллаш ва бошқа кузги-қишки тадбирларни ўтказиш билан бир вақтнинг ўзида тракторлар, плуглар, сеялкалар ва кўкламда чигит экиш учун зарур бўлган бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлаб қўйиш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар бажарилиши керак. Қиш фаслида машина механизмларининг яхши сақланиши тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиниши лозим. Ушбу слётимизнинг қатнашчилари Ўзбекистон далаларидаги барча ёшлар, барча меҳнатчилар билан биргаликда ишлаб, келгуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирлаш учун ерларни тезроқ ҳайдаб қўядилар ва бошқа кузги-қишки ишларни амалга оширадилар.

Комсомол — коммунизм қурилиши ишида партиямизнинг содиқ ёрдамчисидир. У ўзининг ажойиб ишлари билан партиянинг ишончи ва ғамхўр

ДЎСТЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТИНМАЙДИ

(Боши иккинчи бетда)

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Андижон область, Чуст районидаги «Қўқимбой» совхозига Эҳкули Худойбердиев номини бериш тўғрисида бугун қарор қабул қилдилар.

Ўртоқлар! Бугун биз ёпиқ деб эълон қилаётган декада адабиёт ва санъат доирасидан анча юксак кўтарилиб, чинакам зўр сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеага айланиб кетди.

Дўстларнинг ҳар бир ана шундай учрашуви кучимизга куч қўшади, жанговарлик руҳини баланд кўтаради, ижодий ғайратни авж олдиради, қардош республикалар халқларининг маънавий бойлигини кўпайтиради, меҳнатда янгидан-янги шижоатларга руҳлантиради. Декада дўстлигимиз ипларини яна ҳам кўпроқ мустаҳкамлади, қардош маданиятлар равнақи учун, КПСС XXIII съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун, коммунизм қурилишида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун олиб бораётган умумий курашимизда янги поғона бўлди.

Мен шуни хурсандчилик билан маълум қиламанки, ўзбек ва туркман халқларининг кўп миллатли ягона совет оиласидаги қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса бўлиб қўшилган туркман адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги декадаси даврида республика меҳнаткашлари ўртасида туркман халқининг маданият соҳасидаги муваффақиятларини пропаганда қилишдаги катта ва самарали ишлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўз фармони билан қардош Туркманистоннинг бир қанча ижодий коллективларини Республика Олий Совети Президиумнинг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Туркманистон ССР Маданият министрлиги, Туркманистон ССР Министрлар Советининг кинематография давлат комитети, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети, Туркманистон Ёзувчилар союзи, Туркманистон рассомлар союзи, Туркманистон Композиторлар союзи, Мулланепес номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Туркманистон давлат опера ва балет театри, А. С. Пушкин номли давлат рус драма театри, Туркманистон давлат филармонияси, Туркманистон ССР давлат халқ рақси ансамбли, Туркманистон ССР халқ чолғу асбоблари давлат оркестри, Чоржўй районларароо филармонияси республикамизнинг юксак мукофотига сазовор бўлдилар.

Е. С. Насриддинова залда ўтирган ҳамма кишиларнинг қарсаклари остида меҳмонларга мукофотларни топширди. Декадада қатнашган ижодий коллективларнинг мукофотланганлиги, —деди у,—улар эришган ажойиб муваффақиятлар юксак баҳоланганлигининг, уларнинг ижодий хизматлари умумхалқ томонидан эътироф қилинганлигининг яна бир ёрқин далили бўлиб хизмат қилади.

Азиз ўртоқлар, Туркманистон адабиёти ва санъати декадасининг муваффақиятли тугалланганлиги билан Сизларнинг ҳаммангизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан чин кўнгилдан табриклашга, республикамизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган Туркманистон ССР нинг талантли ижодий коллективларини қизғин табриклашга ва декадада қатнашган барча туркман дўстларимизга, улар орқали бутун қардош туркман халқига сиҳат-саломатлик, катта бахт-қувончли ҳаёт, коммунизм қураётган советлар мамлакатининг шон-шуҳрати йўлидаги меҳнат ва ижодда ажойиб муваффақиятлар тилашимга ижозат бергайсиз.

Янги шодиёна учрашгунимизча хайр, азиз дўстлар!

Яшасин қардош туркман халқи!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг қудратли негизи — совет халқларининг улуғ ва бузилмас дўстлиги!

Яшасин севикли Социалистик Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Мамлакатимиз халқларини Ленин йўлидан, коммунизмнинг шонли ғалабалари сари бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

Мажлис аҳли таниқли туркман шоири, қардош республиканинг маданият министри Қора Сейтлиевни қарсаклар билан кутиб олади.

Қ. Сейтлиев ўз нутқини чегарани малигини билмайдиган қўшиқни мадҳ этувчи улуғ Навоий достонининг сўзлари билан бошлайди. Биз, дейди у, ўз қўшиқларимизнинг гуллаб-яшнаб турган Ўзбекистонда янграшини, бизнинг китобларимиз, музикамиз, рассомларимизнинг асарлари қардош ўзбек халқи кўнглидан жой олишини истаган эдик.

Сизнинг меҳмондўст диёрингизда ўтказган ҳамма кунларимиз юксак ижодий жўшқинликка тўла бўлди ва бизда гоят ёрқин унутилмас таассуротлар қолдирди. Биз қаерда бўлмайлик, қаерга бормайлик, ҳамма жойда бинокорлар, пахтакорлар, пилла усталари, Мирзачўлни ўзлаштирувчилар, олимлар, ёзувчилар, рассомлар, композиторлар бизни хурсандчилик билан кутиб олишди, биз ҳамма жойда ўзимизни туғишган оиламиздагидек ҳис қилдик, ҳамма жойда бизга қучоқ очиб, пешвоз чиқдилар. Бу биз учун гоят азиз ва ҳеч унутилмас дамлар бўлди.

Декада қатнашчилари маънавий баҳраманд бўлиб жўнаб кетмоқдалар. Биз қардош Ўзбекистоннинг муваффақиятларига қойилмиз. Биз ўзбек пахтакорлари меҳнатининг тантанасига айланиб кетган «Пахта байрами»да қатнашиш бахтига мушарраф бўлдик.

Қардош республика тупроғида биз кўпгина ибратли нарсаларни кўрдик. Уй-жой массивлари, фабрика ва заводлар, маданият муассасалари бунёд қилаётган Тошкент бинокорларининг ғайрат-шижоати кишини мафтун этади. Бир вақтлар ҳаётсиз бўлган ерларда боғ-бўстонлар ва пахтазорлар барпо этилганлигини кўрдик. Биз, механизаторларнинг, энергетикларнинг, мамлакатимиз бойлигини яратаётган ҳамма кишиларнинг жонбозлик билан меҳнат қилаётганлигини кўрдик. Ўзбекистондаги декада вақтида ёзувчиларимиз ва санъат арбобларимиз бебаҳо таҳриба ўргандилар. Биз китоблар тўғрисидаги, бутун кўп миллатли совет адабиёти олдида ҳозир турган энг зарур проблемалар ҳақидаги фикр-ўйларимизни баҳам кўриш имконига эга бўлдик. Биз музика тингладик, ўзбек киноси арбобларининг ишлари билан танишдик. Бу эса, бундан кейинги ижодий ишимизда, туркман миллий социалистик маданиятини ривожлантиришда бизга ёрдам беради.

Шуни ишонч билан айта оламанки, декада қатнашчиларини заволантирган нарсаларнинг ҳаммаси шоирлар, ёзувчилар, журналистлар, рассомлар, композиторларнинг асарларида бирон тарзда ўз ифодасини топади. Декада бўлаётган кунларнинг ўзидаёқ бир қанча шеърлар, қўшиқлар, очеркларнинг ёзилди, минглаб метр киноленталар тўлдирилди, радио ва телевидение учун ёзувлар қилинди.

Ўзбекистонда туркман адабиёти ва санъати декадасининг ўтказилганлиги халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашнинг, икки қардош республика маданиятини ўзаро бойитишнинг янги босқичи бўлиб қолади.

Санъатнинг ҳамма соҳаларини имкони бор қадар тўлароқ кўрсатиб бериш барча декада қатнашчиларининг, барча ижодий коллективларимизнинг, етакчи санъат усталарининг эзгу-орзуси ва энг қизғин истаги эди. Башарти, биз бу вазифанинг доқал бир қисмигина бажаришга муваффақ бўлган эканмиз биз ўзимизни чинакам бахтиёр деб ҳисоблаймиз.

Сахий меҳмондўстликлари, одам охунликлари учун ўзбек қардошларга декаданинг барча қатнашчилари номидан, республикамизнинг барча адабиёт ва санъат арбоблари номидан, бутун туркман халқи номидан чуқур миннатдорчилик ҳис-туйғуларини изҳор қиламан. Декаданинг ҳамма тадбирлари муваффақиятли ўтишига кўмаклашган ижодий союзларнинг раҳбарларига ва ходимларига ташаккур айтамиз. Тошкентда ва республика бўйлаб қилинган сафар вақтида ўзбек ёзувчилари ва санъат арбоблари биз билан ҳамиша бирга бўлдилар. Уларнинг меҳрибонлиги ва эътибори бизни хурсанд қилди.

Декадага кўп эътиборлари ва вақтларини ажратган қардош Ўзбекистон партия ва совет ташкилотларининг раҳбарларига ҳам алоҳида миннатдорчилик айтамиз.

Сидқидил билан кутиб олганингиз учун яна бир карра чин кўнгилдан ташаккур айтамиз. Бутун совет халқи учун мўътабар бўлган келгуси юбилей йилида туркманлар диёрида бўладиган ўзбек маданияти байрамига сизларнинг боришингизни интизор бўлиб кутамиз. Биз ҳам сизларни мана шундай хурсандчилик ва очиқ кўнгил билан кутиб оламиз. Уйимизнинг эшиги ва қалбларимиз сизларга ҳамиша очиқ.

Қ. Сейтлиев, Ўзбекистон ҳукумати декада қатнашчиларини мукофотлагани учун унга қизғин миннатдорчилик изҳор этади. Туркманистон адабиёти ва санъати арбоблари делегациясининг раҳбари ўз нутқини тамомлай туриб, Советлар мамлакати халқларига равнақ ва иқбол келтирган доно ленинчи миллий сиёсат шарафига, Совет кишилари барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси—Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига табрик сўзларини айтади.

Катта байрам концерти бошланади. Туркман ва Ўзбекларнинг улуғ шоирлари—Махтумқули билан Алишер Навоий,—СССР халқ артистлари А. Қулмамедов билан О. Хўжаев саҳнада яна ёнма-ён туришиби. Улар қардош республика адабиёт ва санъатининг катта байрамини узатиб қолар эканлар, бир-бирларининг шеърий мисраларини, тинчлик, дўстликка бағишланган шеърларни ўқийдилар.

Туркман халқ куйини ижро этувчи дуторчилар ансамбли Махтумқули билан Навоий сўзларига жўр бўлади.

Ҳозирги замон композиторлари ёзган асарлар халқ қўшиқлари билан ҳамоҳанг бўлиб жаранглайди. Уларнинг кўпчилиги декадага атаб ёзилган. Ўзбек ва туркман халқларининг дўстлиги тўғрисидаги «Икки биродар» қўшиғи шулар жумласидандир. Унинг авторн Нури Муҳатов декадага яна бир қўшиқ— «Бизнинг Туркманистонга келинг» деган қўшиқни туҳфа қилди.

Саҳна қиқизил май гулларига тўлиб кетади — Туркманистон рақс ансамбли А. Оғажиковнинг «Лолалар» деган хореографик манзарасини гавдалантиради. Мана шу гулхансифат гуллардан ажиб гулчамбар ясаса бўлади. Бутнна эмас, шундан кейинги рақслардан ҳам чиройли «Гулчамбар» тўқиш мумкин. Бу «Гулчамбар»ни Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист И. Кашаева билан Ўзбекистон ССР халқ артисти Г. Маваева тўқишади. Аданнинг «Корсар» балетидан СССР халқ артисти Г. Измайлова билан Махтумқули номли театр солисти А. Пурсиянов ижро этган парча, С. Рахманиновнинг Ўзбекистон ССР халқ артисти Б. Қориева билан Ўзбекистон ССР академик катта театрининг солисти В. Васильев ижросидаги «Баҳор сувлари», Х. Аллануровнинг Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Қулмамедов ижросидаги «Байрам вальси» шу гулчамбарнинг лолаларн бўлди. Машҳур «Баҳор» ансамбли ўзининг «Роҳат» рақсини шу гулчамбарга қўшди. «Дўстлик рақси» шу гулчамбар учун туркманлар ва ўзбеклар диёридан энг яхши гуллар терди. СССР халқ артисти М. Турғунбоева билан республикада хизмат кўрсатган артист Л. Смелянова декада кунлари шу рақсни ёдга этдилар.

Концертда классик куйлар ҳам ижро этилди. Томошабинлар И. Штраусннинг «Баҳор куни»ни ижро этган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Эминжонованн самимий кутиб олдилар.

Туркманистон ва Ўзбекистон адабиёти ва санъати арбоблари саҳнага чиқадилар. Улар бир-бирларига ёдгорлик совғалари берадилар. Туркманлар ўзбек биродарларига гиламлар туҳфа этадилар, бу гиламларга Алишер Навоий ва Махтумқули портретлари тўқилган. Бунга жавобан ўзбек ва туркман халқлари ана шу улуғ фарзандларининг портретлари солинган катта чинни ваза туҳфа қилинади

Туркманистон адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги декадасининг тантанали ёпилишига бағишланган концерт Д. Овезов билан А. Шапошниковнинг Ленин тўғрисидаги қўшиғи билан тугади.

* * *

21 ноябрь кечқурун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Совети Туркманистон адабиёти ва санъати декадаси қатнашчилари шарафига қабул маросими ўтказдилар.

(ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ТУРКМАНИСТОНИ МАТБУОТИ

Н. ОМАНОВ,
Туркманистон ССР Министрлар Совети давлат матбуот комитетининг раиси.

Ҳозир Ўзбекистонда муваффақият билан ўтаётган туркман адабиёти ва санъати декадаси кунларида республикамиз матбуоти тарихига яна бир назар ташлагинг келади. Чиндан ҳам бу бесиб ўтилган катта йўлдир. Туркманистон матбуоти қардош халқлар ўртасидаги бузилмас дўстлик, ҳамкорлик туфайли ривожланди, ўсди, улғайди.

Биргина мисол келтирмоқчиман. Улуғ Октябрь революциясигача ҳозирги Туркманистон территориясида она тилида бирорта китоб, бирорта газета ёки журнал чиқарилмас эди. Минг кишидан фақат етти киши ўқиш ва ёзишни билар эди.

Мамлакатимиз халқлари бир танбир жон бўлиб Коммунистик партия раҳбарлигида ўз маданиятларини юксалтиришга бел боғладилар ва бу соҳада мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритдилар. Яна қайтараманки, бу ютуқларни қўлга киритишда халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ҳал қилувчи роль ўйнади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркманистон учун зарур бўлган илк китоблар Тошкентда, Қозон ва бошқа шаҳарларда нашр этилди. Айни вақтда Москва, Ленинград ва бошқа шаҳар ишчиларининг қўмаклари туфайли бизнинг Ашхободда ҳам полиграфия базаси яратилиб, аста-секин ривожлана бошлади. Москва, Тошкент олий ўқув юртларида эса республикамиз нашриётлари, редакциялари ва театр коллективлари учун юқори малакали ходимлар тайёрлана бошланди.

Коммунистик партия раҳнамолигида туркман халқи Октябрь революциясидан кейинок ўз она тилида минглаб дарсликлар, В. И. Ленин асарлари ҳамда Ватанимиздаги энг йирик ёзувчиларнинг асарларини олишга муваффақ бўлди.

Эндиликда туркман халқи ўз юртида қардош республикалар кўмаги билан юксак полиграфия саноати ташкил этилганлигини, миллий адабиёти ва санъати юксалаётганлиги билан ҳақли равишда гурурланади. Ҳозир Туркманистонда 40 та газета, 30 та журнал нашр этилаётир. Уларнинг кўпчилиги туркман тилида.

Республикамизда китоб нашр этиш ҳам жуда юксалди. Агар Ашхободда 1913 йили фақат рус тилида 400 нусхада тўрт номдагина китоб чиқарилган бўлса, эндиликда бизда ҳар йили 500 номда 4 миллион 130 минг нусхадан ортиқроқ китоб нашр этилаётир.

Совет Туркманистони матбуоти бошқа республикаларимиз матбуоти сингари кенг халқ оммасини коммунизм қурилишига сафарбар этишда ҳақиқий агитатор, пропагандист ва ташкилотчи ролини ўйнамоқда. Шуниси қувончлики, китобларимиз, газета ва журналларимизнинг бош темаси—дўстлик, совет халқлари ўртасидаги ҳамкорлик ва интернационализмдир.

Матбуотимиз орқали туркман халқи КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошираётган ҳамма — ўн беш қардош республика меҳнаткашларининг улкан ютуқлари билан таништиб бораётир. Бу фақат оддий таништиришгина бўлиб қолмай, мамлакатимиз халқ хўжалигида амалга оширилаётган илғор тажрибалардан ўрганиш ва уларни республикамизда татбиқ қилиш ҳамдир. Ана шундай қилингандагина биз фан ва маданиятимизни яна ҳам юксалтира оламиз.

Ҳозирги пайтда, айниқса Ўзбекистон ва Туркманистон пахтакорлари ўртасидаги мусобақани кенг пропаганда қилиш ва уюштиришда матбуот жуда катта фойда келтираётир. Қардош ўзбек пахтакорларининг илғор тажрибаларини ўрганиш туфайлигина бизнинг республикамиз ҳам беш йилликнинг биринчи йилида Ватанга 600 минг тоннага яқин «оқ олтин» етказиб берди. Бунчалик кўп хом ашёни республикамиз саноати аввал ҳеч олмаган эди.

Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Матбуотимиз саҳифаларида ўзбек ва туркман ирригаторларининг, чўлқуварларининг қаҳрамонлиги борган сари ёрқинроқ акс эттирилмоқда. Совет Ўзбекистонининг пойтахти — Тошкентни қайта қуришдаги мардона ишлар ҳақида ҳам матбуот ўз вақтида материаллар бериб бораётир. Тошкент аҳолисининг бошига тушган кулфатни, айниқса бизлар яхши ҳис этамиз. Чунки, бизнинг Ашхобод ҳам зилзила натижасида вайрон бўлган эди. Шунинг учун ҳам Тошкент ҳақидаги маълумотларни биз ҳар доим ўқиб борамиз. Шунинг учун ҳам туркман халқи Тошкентни қайта қуриш ҳақидаги чақириққа дастлабки кундаёқ «лаббай» деб жавоб берди.

Ўзбекистонда ўтадиган туркман адабиёти декадаси олдидан Туркманистон матбуот ходимлари, айниқса катта тайёргарлик кўрдилар. Газета ва журналларимиз гуллаётган Ўзбекистонга бағишлаб алоҳида номерлар бердилар. Декада пайтида намойиш қилинадиган адабиёт ва санъат асарлари кенг пропаганда қилинди.

Аввалги пайтда бўлганидек, бу йил ҳам республикамиз нашриётлари совет республикалари, шу жумладан Ўзбекистоннинг атоқли шоир ва ёзувчиларининг асарларини қайта-қайта нашрдан чиқарди. Декадага бағишланиб махсус китоблар ҳам босилди. Булар қаторида Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», Ғафур Ғуломнинг шеърлар тўплами, Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романи, туркман шоирларининг «Дўстлик оҳанглари» номли шеърий тўплами ва бошқа жуда кўп асарлар бор. Бир сўз билан айтганда, ажойиб Ватанимизни мадҳ этувчи, совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликни куйловчи, ажойиб тарихга ва порлоқ келажакка эга бўлган совет халқининг ҳаётини ёрқин акс эттирувчи китоблар нашр этилди. Бу асарлар билан декада пайтида ўзбек китобхонлари таниши чиқишлари мумкин.

Ўзбекистонда ўтказилган туркман адабиёти ва санъати декадаси халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин намойишига айланди. Айни вақтда халқларимиз маданиятининг бойишига, янги-янги асарларнинг бунёдга келишига замин бўлади.

ГЎЗАЛЛИК МАДҲИ

(СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ БЎЙИЧА XXXV — БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАЛАРИ ТАМОМ БЎЛДИ)

□ □

Спорт гимнастикаси бўйича шахсий ва командалар XXXV мамлакат биринчилиги учун I группада қатнашаётган энг кучли «Динамо», «Локомотив», «Спартак», «Труд», «Буревестник» ва Қуролли Кучлар командалари биринчилигида хотин-қизларнинг беллашиши мусобақаларнинг энг ажойиб, диққатга сазовор қисмларидан бўлди.

Жаҳон чемпиони Наташа Кучинская «Труд» коллективи сафида, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, тажрибали гимнастикачи Полина Астахова Қуролли Кучлар ва таниқли гимнастлар, Наташа Кучинскаянинг тенгқурлари Лариса Петрик, Зинаида Дружининалар эса «Динамо» командалари составида «Ешлик» спорт аренасининг манежига чиқдилар. Булардан ташқари СССР чемпиони Александра Жанукашвили ва Роза Берикашвили каби гимнастика усталари ҳам динамочилар составида фахрли ўринлар учун кураш бошладилар.

Гигант гимнастикачилар ўртасида бўладиган дуэлли аренани тўлдириб ўтирган уч мингдан ортиқ гўзаллик кўрингининг мухлислари уларнинг ҳар бир чиқишини синчиклаб кузатиб бордилар.

Улар тўрт кураш: таянчли сакраш, брусья, харида ва гиламда эркин ҳаракатлар бажаришда мусобақалашдилар. Жаҳон чемпиони Наташа Кучинская биринчи бўлиб гиламда кувноқ куй оҳангига мос эркин ҳаракатлар бажаришга киришади. Хушқад Наташа программадаги ҳар бир ҳаракатни жуда усталик билан енгил бажаради ва 9,75 балл натижага эришади. Томошабинлар жаҳон чемпионини қизғин олқишлайдилар. У қолган снарядларда ҳам гўзал ўйин кўрсатиб ҳаммадан кўп, 38,15 очко тўплади. Полина Астахова билан хотин-қизлар ўртасида энг хушқомат, гиламда эркин ҳаракатлар бажаришда киши ҳайрон қоларли машқлар ижро этиб, ҳаммани ўзига мафтун этган Зинаида Дружининалар бир хил 37,75 натижа кўрсатиб иккинчи ва учинчи ўринларни бўлишиб олдилар. Динамочилар коллективидан қатнашган белоруссиялик чаққон қиз Лариса Петрик эса 37,65 балл билан тўртинчи ўринни эгаллади.

Шундай қилиб, қизғин спорт курашлари остида ўтган спорт гимнастикаси бўйича XXXV мамлакат биринчилиги хотин-қизлар командалари курашида «Динамо» командаси коллективи биринчи ўринга чиқди. Улар олтин медаль ва Марказий спорт Союзи Федерациясининг биринчи даражали дипломи билан тақдирландилар. Иккинчи ўринни эгаллаган «Труд» командаси кумуш ва учинчи ўринга чиққан Қуролли Кучлар командаси бронза медаллари билан мукофотландилар.

Якшанба куни чемпионатнинг финал мусобақаларида шахсий биринчилик кураши бўлиб ўтди. Ҳал қилувчи курашларга командалар биринчилиги мусобақаларида энг юқори кўрсаткичга эришган 16 эркак ва 16 хотин-қиз беллашди. Бундан ташқари яхши натижаларга эришган 12 қиз ва 12 ўсмир болалар ҳам шахсий биринчилик мусобақаларида қатнашди.

Эрканлар ўртасида шахсий биринчилик яна командалар учун қурашда Сергей Диамидов ҳаммадан яхши натижа 58,05 баллга эришди. Лекин командалар мусобақаларидаги натижаси билан қўшиб ҳисобланганда Виктор Лисицкийга сал етмади. Шунинг учун ҳамшаҳаримиз Сергей Диамидов иккинчи ўринни қўлга киритди. Виктор Лисицкий жами 115,55 балл натижага эришиб биринчи ўринни эгаллади ва СССРнинг мутлоқ чемпиони номини қўлга киритди. Сергей Диамидов 115,25 балл, Валерий Карасев эса 112,8 балл натижага эришиб иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Хотин-қизлар ўртасида шахсий биринчилик мусобақаларида командалар ўртасида бўлиб ўтган курашларда иккинчи ўринни олган Зинаида Дружининанинг омади келмади. У брусьеда 8,1 балл олиб қолди ва жами тўрт курашда 36,35 балл кўрсаткичга эришиб бешинчи ўринга чиқди. Наташа Кучинская ҳал қилувчи беллашишда яна ўзини кўрсатди. 38,25 балл натижа билан биринчи ўринни эгаллаб, хотин-қизлар ўртасида СССРнинг мутлоқ чемпиони унвонини қўлга киритди. Наташа Кучинская чемпионатнинг олтин медали ва Марказий спорт Союзининг I даражали фахрий дипломи билан мукофотланди. Унинг дугонаси Лариса Петрик 37,8 балл натижа билан иккинчи ўринни эгаллади. Полина Астахова эса учинчи ўринга тушиб қолди. Лариса Петрик кумуш, Полина Астаховага бронза медаллари топширилди.

Мусобақалар охирида энг яхши натижаларга эришган спортчиларга қимматбаҳо мукофотлар, диплом ва фахрий грамоталар топширилди. Республикамиз пойтахтида чиқаётган кўпгина йирик газета-журнал редакциялари спорт ва ташкилотлари гимнастиканинг барча тури бўйича энг яхши натижа кўрсатган спортчилар учун мукофотлар таъсис этган эди. Ана шу мукофотлар ҳам ўз эгаларига топширилди. «Совет Ўзбекистони» газетасининг мукофотини Наташа Кучинская олишга сазовор бўлди.

Биринчи марта Тошкентда чемпионатнинг энг хушқад жозибадор хотин-қиз гимнастикачисини аниқлаш мақсадида журналистлар орасида «1966 йил гимнастика маликаси» мукофоти учун конкурс ўтказилди. Мусобақалар ишини ёритишда қатнашаётган 50 дан ортиқ матбуот ходими бу ўринга Зинаида Дружининани тавсия этдилар. Шундай қилиб Зинаида Дружинина «1966 йил гимнастика маликаси» призини олишга сазовор бўлди.

Бутуниттифоқ гимнастларнинг XXXV—шахсий командалар биринчилиги байроғини тушириш СССРнинг мутлоқ чемпионлари Наташа Кучинская ва Виктор Лисицкийларга топширилади. Залда Совет Иттифоқи гимни янграйди. Чемпионат тантанали равишда ёпилади.

Энг кучли гимнастларнинг Тошкентда ўтказилган катта кўриги спорт гимнастикасининг кейинги ўн йил ичида чинакамига спортнинг оммавий турига айланиб кетганлигини ёрқин намойиш қилди. Ёш гимнастикачиларнинг бу соҳада катта муваффақиятларни қўлга киритганликлари, спорт маҳоратларини янада мустаҳкамлаганликлари яна бир бор тасдиқланди.

Кези келганда шуни ҳам қайд этиш лозимки, хушқоматларнинг бу кўригидан республикамиз спортчилари кўп нарса кўрдилар, ўргандилар. Бўдажак мусобақаларда бу албатта ўз натижаларини кўрсатади, деб умид қиламиз.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратларда: СССРнинг мутлоқ чемпиони унвонини қўлга киритган Наташа Кучинская (чапда) ва Виктор Лисецкийлар.

А. Палехов фотолари.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

1966 ЙИЛГИ

3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИ

3-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1966 йил 15 ноябрда Киев шаҳрида бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма олти разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
100514	10*)	500	137314	20*)	500	167293	10*)	500
101296	10*)	500	138005	50*)	500	167610	1—50	40
102722	18*)	1.000	139050	43*)	500	167616	04*)	500
103399	36*)	1.000	139325	39*)	500	167840	1—50	40
103523	40*)	500	139332	1—50	100	169002	25*)	1.000
104322	34*)	5.000	139462	1—50	40	169149	1—50	40
104798	08*)	1.000	139763	04*)	500	169645	1—50	40
105249	22*)	500	139990	1—50	40	170439	26*)	500
105302	1—50	40	140104	1—50	100	170796	23*)	500
105338	48*)	500	140126	29*)	500	170807	26*)	1.000
106214	1—50	100	140659	19*)	500	170883	31*)	500
106682	23*)	1.000	142600	01*)	500	171179	21*)	500
107030	46*)	500	143615	1—50	40	172177	1—50	100
107124	16*)	500	144186	05*)	1.000	172495	1—50	40
107149	01*)	500	144349	13*)	500	173755	49*)	500
107290	1—50	40	144850	32*)	500	173757	14*)	500
107633	43*)	500	145568	1—50	40	173957	34*)	500
108465	08*)	500	145995	28*)	500	174830	1—50	40
108748	07*)	1.000	146042	39*)	500	176259	46*)	500
109658	1—50	100	146564	08*)	1.000	176696	1—50	40
109738	10*)	500	146885	01*)	500	180646	1—50	40
109769	1—50	40	147308	50*)	1.000	180914	08*)	500
109893	30*)	500	147895	47*)	1.000	180929	01*)	500
110441	37*)	500	148056	24*)	1.000	181985	23*)	500
110908	15*)	2.500	148057	45*)	500	182348	21*)	500
111400	11*)	500	148099	49*)	500	182515	1—50	100
111594	1—50	40	149105	37*)	1.000	182888	47*)	500
113631	18*)	500	149522	31*)	500	182991	10*)	500
114237	1—50	100	149657	49*)	1.000	183883	1—50	40
114807	12*)	500	149746	39*)	2.500	184055	15*)	500
116256	49*)	500	150515	28*)	500	184484	1—50	100
116340	1—50	100	150760	16*)	500	184720	19*)	500
119239	32*)	500	150875	29*)	500	184885	01*)	500
119354	27*)	500	151399	50*)	500	185527	1—50	40
119542	19*)	1.000	151892	07*)	1.000	185554	42*)	500
120329	31*)	500	151906	36*)	500	188836	1—50	40
120457	1—50	40	153468	47*)	500	188884	02*)	500
120571	1—50	40	153507	1—50	100	189095	25*)	2.500
120860	10*)	500	154196	1—50	40	189158	49*)	500
120988	1—50	40	155949	23*)	500	190178	26*)	500
122042	1—50	100	156754	1—50	40	190186	36*)	500
122820	07*)	500	157380	1—50	100	190242	50*)	1.000
123642	25*)	500	157406	35*)	500	190695	26*)	500
124634	41*)	500	157505	1—50	40	190768	04*)	1.000
127069	1—50	40	157575	1—50	40	191196	1—50	40
127123	40*)	500	157781	26*)	500	192179	1—50	100
128222	40*)	500	157801	32*)	500	192530	25*)	500
128596	24*)	500	158738	30*)	500	192835	1—50	40
128644	1—50	40	158800	1—50	40	192886	49*)	500
130091	47*)	500	159224	19*)	500	193122	1—50	40
130384	19*)	500	159315	28*)	1.000	193582	40*)	500
131699	47*)	500	161160	41*)	500	194803	27*)	500
131860	07*)	500	161478	1—50	40	194847	1—50	40
132957	02*)	500	162557	15*)	500	195079	27*)	500
133000	04*)	500	163102	1—50	100	195250	1—50	100
133157	32*)	500	163797	40*)	500	195965	1—50	40
133350	14*)	500	163931	21*)	500	196208	38*)	500
134692	20*)	500	164136	44*)	500	196753	17*)	500
134762	03*)	500	164444	18*)	500	197228	44*)	1.000
134826	1—50	40	164874	17*)	5.000	197336	01*)	500
136316	25*)	2.500	165220	22*)	500	198141	24*)	500
137193	45*)	2.500	165915	1—50	40	198377	34*)	500
			166949	21*)	500	199866	02*)	500

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ўн сўмлик облигацияларга ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ суммасига ютган облигациянинг ўз қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Омонат кассалари газетанинг янги сони келгандан кейин ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи комиссиянинг раиси — Меҳнаткашлар депутатлари Киев шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари П. К. МАРШАЛ.

Комиссиянинг масъул секретари Н. В. КУЗНЕЦОВА.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши—В33469, В37221. Марксизм-лен